RESPUBLIKA
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!*

1930 йил 12 майдан чиқа бошлаган

# Постда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ 18 (3390) 2001 йил 3 май, пайшанба Сотувда эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

## Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида

Эл-юртимиз озодлиги ва эркинлиги йўлида, халқимизнинг қадр-қиммати, ор-номусини, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизни ҳимоя қилишда, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашларда қурбон бўлганлар хотираси миннатдор авлодлар ёдида абадий сақланиб қолади.

Мустабид тузум даврида миллион-миллион бегуноҳ инсонларнинг умри хазон бўлганини, қанча-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, қанча-қанча гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди.

Халқимизнинг ана шундай минг-минглаб фидойи ва матонатли ўғил-қизларининг хотирасини эслаш, ҳақиқат ва адолатни тиклаш, замондошларимиз, хусусан, ўсиб келаётган ёш авлод қалби ва онгида ўтганлар хотирасига ҳурмат ва эҳтиром туйғусини тарбиялаш мақсадида:

1. "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси фаоллари, ижодкор зиёлилар, кенг жамоатчилик вакилларининг мамлакатимизда Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қатағон қурбонларини ёд этиш маросими ҳар йили 31 август куни – Мустақиллик байрами арафасида пойтахтимиз Тошкент шаҳридаги "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида ўтказилиши белгилаб қўйилсин.

3. Республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик кенгаши, "Шаҳидлар хотираси", "Нуроний" жамғармалари, Маданият ишлари вазирлиги, Фанлар академияси ва ижодий уюшмаларга бир ой муддатда Қатағон қурбонларини ёд этиш куни билан боғлиқ маънавий-маърифий тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси топширилсин.

4. Бу йил мамлакатимизда илк бор ўтказиладиган Қатағон қурбонларини ёд этиш кунига пухта тайёргарлик кўриш ва маросимни юксак даражада ташкил этиш мақсадида тузилган комиссия таркиби тасдиқлансин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлиги тегишли идора ва ташкилотлар билан биргаликда "Қатағон қурбонлари хотираси" музейини ташкил этиш, "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуини сайёҳлик йўналишлари рўйхатига киритиш, зиёратгоҳ ҳудудини янада ободонлаштириш ва бу ерда махсус радиолаштириш тизимини жорий қилиш масаласини ҳал этсин.

6. Ўзтелерадиокомпания, ЎзА ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қатағон қурбонларини ёд этиш кунининг маъно-мазмунини ва тарбиявий аҳамиятини кенг тарғиб қилиш тавсия этилсин.

7. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

**Тошкент шаҳри,**
**2001 йил 1 май.**

## ВАТАН ҲИМОЯСИ УЧУН ЖОН ФИДО ҚИЛГАНЛАР ХОТИРАСИ АБАДИЙДИР!







## ЮРТДОШЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

### Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририяти

**("Постда" ва "На посту" газеталари таҳририяти)**

**5 май - шанба куни соат 10.00 дан 12.00 гача бевосита мулоқот ўтказади.**

**Қоровул қўшинлари таркибига хизматга чақириш, хизмат шартлари ва уни ўташ, тарбиявий ишлар, маиший ҳамда тиббий шарт-шароитлар каби масалалар бўйича сизнинг саволларингизга**

ИИВ Қоровул қўшинлари Бош бошқармаси бошлиғининг шахсий таркиб бўйича ўринбосари вазифасини бажарувчи, полковник **Муит Аминович ФОЗИЛОВ (тел.: 132-05-51),**

хизмат ва жанговар фаолиятни мувофиқлаштириш ва уйғунлаштириш бошқармаси бошлиғи, полковник **Ойбек Нуржакипович РАУЯСОВ (тел.: 139-70-40),**

тиббиёт бўлими бошлиғи, подполковник **Анвар Валиевич МУСАЕВ (тел.: 139-75-69),**

ташкилий бўлими бошлиғи, полковник **Виктор Дмитриевич НЕПОМНЯШИХ,**

кадрлар бўлими бошлиғи,подполковник **Аъзамхон Ўлмасович ЭШОНҚУЛОВ (тел.: 139-77-23)** жавоб берадилар.

**Бош муҳаррир минбари**

## Ёшлар – келажагимиз ва таянчимиз

**Биз мустақил мамлакатимизда барча ислоҳотлар ҳеч бир инқилобий сакрашларсиз ва "шок терапияси" усулларини қўлламасдан туриб, босқичма-босқич, изчил, такомилида амалга оширилишига кўникиб қолдик. Айни пайтда ислоҳотлар ва ўзгартиришлар ҳаддан ташқари ортга ташланмасдан ўз вақти ва маромида рўёбга чиқариляпти.**

**Тошкентда ўтган ҳафтада содир бўлган воқеа – "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг таъсис қурултойи бунинг яна бир тасдиғидир.**

**Ёшларнинг янги ташкилотини тузиш учун ташаббускор гуруҳ иш бошлаганига бор-йўғи уч ой бўлди. Бироқ, шу ўтган муддат мобайнида гуруҳ мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларида бўлиб, ёшларнинг кайфиятини, уларнинг таклиф ва мулоҳазаларини ўрганиб чиқди. Кўпдан-кўп учрашувларда ёшларнинг янги ташкилотини тузиш ғояси йигит-қизлар томонидан қизғин қўллаб-қувватланди. Улар тузилаётган ижтимоий ҳаракат фаолиятининг йўналишлари хусусида кўпгина фойдали таклифлар киритишди.**

**Ниҳоят, ёшлар янги ташкилотининг таъсис қурултойи ҳам бўлиб ўтди. Унда таъкидландики, Дастур ва Низом лойиҳалари ёшларнинг кўплаб таклиф ва мулоҳазалари, иштибоҳ ва истакларига асосланиб ишлаб чиқилди. Дастур лойиҳасида ташкилотнинг ўз сиёсий, ижтимоий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий ва халқаро фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида бажариши керак бўлган вазифалари белгилаб қўйилди.**

**"Камолот" янги ижтимоий ҳаракатининг шакллантирилиши давлатнинг ёшлар сиёсатини рўёбга чиқариш борасидаги мантиқий натижаси бўлди. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов қайта-қайта таъкидлаганидек, ёрқин келажагимиз, қудратли давлатнинг тузилиши бугунги авлоднинг салоҳиятига, унинг интилишлари ва билимдонлик қобилиятига боғлиқ. Шунинг учун мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб бу масалага жиддий эътибор бериб келинмоқда. Ҳозирги босқичда эса бу йўналишдаги ишлар яна ҳам кучайтирилди.**

**Мамлакатимизда ёшларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошириш, уларнинг имкониятларини мукаммал рўёбга чиқариш, билим бериш ва тарбиялаш шарт-шароитларини барпо этиш мақсадларини кўзлаб турли-туман идоралар, ташкилотлар тузилган. Бу муассасаларнинг кўмаги билан ёшларимиз хорижда ўқиш, замонавий талаблар даражасида билим ва тарбия олиш имкониятига эга.**

**Айни пайтда шуни ҳам таъкидлаш қувончлики, мустақилликка эришилганидан кейин мамлакатимизда яратилган кенг имкониятлар ва яхши шарт-шароитлар ёш ўзбекистонликларда асло боқимандачилик ва истеъмолчилик кайфиятини қўзғатгани йўқ. Бунинг яна бир тасдиғи шундан иборатки, "Камолот" ижтимоий ҳаракати "Ватан менга нима берди деб эмас, мен ўз халқим, ўз Ватаним учун нималар қилаяпман, деган фикр билан яшаш керак" деган сўзларни ўз фаолиятининг йўриғи сифатида танлаб олди.**

**Ҳозиргина барпо этилган янги ёшлар ҳаракати ўзининг фахрли мақсадлари – фидокор, ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, унинг манфаатларини ҳимоялашни амалга ошириш жараёнида бу соҳада вужудга келган муайян бўшлиқни ҳам тўлдириши керак. Худди ана шу бўшлиқ, ўз вақтида республика Президенти Ислом Каримов қайд қилганидек, ёшларнинг баъзи бир қисми турли диний-экстремистик, террорчи гуруҳлар таъсири остига тушиб қолиши учун шарт-шароитларни туғдирди.**

**Биз бирмунча мураккаб умумсиёсий вазиятда яшаб, ислоҳотларни амалга ошираяпмиз. Бизни фақат дўстлар хайрихоҳлик билан қуршаб туришгани йўқ. Олис-яқинда ғанимларимиз ҳам бор. Бизнинг мустақил ривожланиш, ўз олдимизга қўйган мақсадларимизни рўёбга чиқариш, янги жамият қуришдан иборат йўлимизга ғов қўйишни, истовчилар энг аввало, мустақил тафаккури шаклланмаган ёшларимизнинг маънавиятига путур етказишга интилиб, уларнинг ўй-хаёлларини ҳам соф инсон табиатига, ҳам халқимизнинг муқаддас анъаналарига зид ғоялар билан чулғаб олишга уринмоқдалар.**

**Йигит-қизларимизни нотўғри йўлга кириб кетиш, зарарли оқимлар таъсирига тушиб қолишлардан ҳимоялаш ҳам "Камолот" ижтимоий ҳаракатининг муҳим фаолият йўналишларидан бири бўлиб қолади. Мамлакатимиз раҳбари ёшларимизни салбий таҳдидлардан ҳимоялашнинг икки принципини белгилаб берган эди. Уларнинг бири халқимизнинг қадимий анъаналари, урф-одатлари, тили, дини, маънавияти, дунёқараши ва тафаккурига, иккинчиси – умуминсоний ва замонавий қадриятлар ҳамда ютуқларга асосланади. Бу принципларнинг уйғунлашуви ёшларнинг янги ижтимоий ҳаракати фаолиятида ҳеч шубҳасиз ижобий натижаларга олиб келади.**

**"Камолот"нинг таъсис қурултойи иштирокчиларини табриклаб, Президент Ислом Каримов таъкидладиларки, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халққа хос энг гўзал фазилатларни намоён этадиган, унинг эзгу орзу-ниятларини амалга оширишда мардлик ва фидойилик кўрсатишга қодир бўлган ўз таянчи ва суянчини кўриши табиийдир. Мана шу фазилатларнинг ҳаммаси янги "Камолот" ҳаракатига ҳам мансуб бўлиб қолишини жуда-жуда истаймиз.**

**Шундай қилиб, фуқаролик жамияти шаклланаётган мамлакатимизда янги ижтимоий ҳаракат юзага келди, Ўзбекистонда ҳамма ишлар таг-заминли, асосли равишда рўёбга чиқарилаётганидан келиб чиқиб, олдиндан шунга ишонч ҳосил қилиш мумкинки, "Камолот" ёшларни бирлаштириб, уларни хайрли мақсадлар сари бошлаб, манфаатларини бутун бўй-басти билан ҳимоя қила олади.**

# Мувофиқлаштирувчи кенгаш

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш тизими ва республика Прокуратураси раҳбар ходимларининг мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилиши ўтказилди. Уни Ички ишлар вазири ўринбосари Р. Қодиров олиб борди.**

Кенгашда жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган ҳамда озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазоларни ўтаётган ва ички ишлар идоралари ҳисобида турган маҳкумлар ўртасида қайта жиноят содир этиш ҳолатлари ва бу ҳолатларни камайтириш масаласи муҳокама қилинди. Кун тартибидаги масала бўйича республика Прокуратураси бўлим бошлиғи Н. Файзуллаев маъруза қилди.

Нотиқ ва сўзга чиқувчилар маҳкумлар ўртасида қайта жиноят содир этишга йўл қўймаслик учун прокуратура ҳамда жазони ижро этиш тизими ходимлари томонидан ҳамкорликда бир қатор тадбирлар амалга оширилаётганини қайд этдилар.

Жазони ижро этиш муассасаларидаги тартибга риоя қилиниши, маҳкумларнинг моддий-маиший таъминоти, уларнинг меҳнати, таълими ва касб тайёргарлиги, уларни рағбатлантириш ва жазо чоралари, муддати етган маҳкумларни озод қилиш ва уларни озодликда ишга жойлаштириш масалалари тўғри ҳал этилиши улар орасида қайта жиноят содир этиш камайиб боришига олиб келиши таъкидланди.

Кенгашда ана шу масалалар юзасидан ички ишлар идоралари ва прокуратура ходимлари томонидан олиб борилаётган ишларни янада мувофиқлаштириш ҳамда жамиятда содир этилаётган қайта жиноятларнинг олдини олиш бўйича кенг фикр алмашиниб, бу борада қўшма қарор қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз.**

# Автоназоратчиларнинг семинар-кенгаши

**Андижон вилояти ИИБ ДАНБ базасида автомобиль назорати ходимларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ ДАНБларининг вакиллари иштирок этдилар.**

Кенгашни Андижон вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция полковниги И. Исмоилов очди ва вилоят ДАНБ фаолияти, бу хизматнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида сўзлади.

Республика ИИВ ДАНБ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Ғ. Болтабоев сўзга чиқиб, ДАН ходимларининг касб маҳоратларини, саф ва жанговар тайёргарлиги даражасини оширишга йўналтирилган тадбирлар, моддий-техник базаларни, хизмат самарадорлигини яхшилаш шарт-шароитлари ва маиший қурилишлар ҳақида тўхталди. Хизмат фаолиятини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида Республика ИИВ ШТБИХ бўлим бошлиғи, милиция подполковниги Б. Буксинбоев, Андижон вилояти ИИБ ДАНБ бошлиғи, милиция подполковниги Б. Аҳматохунов, Наманган, Хоразм, Бухоро вилоятлари ДАНБ бошлиқларининг ўринбосарлари, милиция подполковниклари Р. Қосимов, Ш. Отажонов, А. Рафиевлар айтиб ўтдилар.

Семинар-кенгаш тугагач, вилоятлар ДАН вакиллари касб маҳоратига доир кўрик-танловда иштирок этиб, йўл ҳаракати қоидалари, автомобиль ҳайдаш ва бошқа фанлар бўйича билимларини намойиш қилиб, мусобақалашдилар.

Мусобақаларда жамоалар бўйича майдон эгалари – Андижон вилояти ИИБ ДАНБ вакиллари биринчи, Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати Бошқармаси иккинчи, Навоий вилоят ИИБ ДАНБ вакиллари эса учинчи ўринни эгалладилар.

Шахсий ҳисобда Навоий вилоят ИИБ ДАНБ ходими У. Ҳамроев биринчи, андижонлик Ш. Усмонов ва пойтахт ИИБ ЙПХ ходими М. Алиев иккинчи, Андижон вилоят ИИБ ДАНБ дан Б. Мансуров, Фарғонадан И. Хожаев ва Сирдарё вилоят ИИБ ДАНБдан Б. Бердалиевлар учинчи ўринни эгалладилар.

Ғолиблар қимматбаҳо мукофотлар билан тақдирландилар.

**А. БУЗРУКОВ.**

# Маҳаллада учрашув

**Сўнгги пайтларда ички ишлар идоралари ходимларининг маҳаллаларда фуқаролар билан тез-тез учрашувлар ўтказиб туришлари яхши анъанага айланиб бормокда. Яқинда Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов туманидаги Ҳ. Абдуллаев номли маҳалла фуқаролар йиғини биносида ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди.**

Тошкент шаҳар ИИББ ЁСБ ташаббуси билан ташкиллаштирилган учрашувга маҳалла фаоллари, ота-оналар, мактаб ўқувчилари таклиф этилди.

Дастлаб сўзга чиққан 8-ҲЁСБ бошлиғи, ички хизмат подполковниги Баҳром Юнусов туманда ёнғинга қарши кураш борасида қандай ишлар олиб борилаётганлигини ва ҳозирги кунгача содир бўлган фалокатларнинг таҳлилини йиғилганларга сўзлаб берди.

– Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик кўплаб кўнгилсиз ҳодисаларни келтириб чиқармоқда, – деди ўз сўзида нотиқ. – Бизни ташвишга солаётган нарса кўпчилик ҳолларда фарзандларимизни қаровсиз қолдирилиши ва уларнинг ўт билан ўйнашларига йўл қўйиб берилаётганлигидир. Ишимизда ижобий натижаларга эришиш кўп жиҳатдан ўзаро ҳамкорлигимизга боғлиқ эканлигини унутмайлик.

Шундан сўнг Акмал Икромов тумани ИИБ профилактика нозири, милиция майори Раҳматилла Шукуров сўзга чиқиб, ёшлар ўртасида жиноятчиликни олдини олиш, гиёҳвандлик иллатига қарши олиб борилаётган кенг кўламдаги ишлар ҳақида батафсил маълумот берди.

– Ҳозирги кунда биз ёшларимиз билан кўпроқ иш олиб боришимиз, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик каби иллатлар келтириб чиқараётган оғир оқибатлар ҳақида уларга тўлиқ тушунча беришимиз лозим. Фарзандларимизни қаровсиз қолдириш, уларни қандай ишлар билан шуғулланаётганига қизиқмаслик ёшларни турли экстремистик руҳдаги диний оқимларга қўшилиб қолишига ва охир-оқибат ўз оиласини, ўз маҳалласини, ота-онасини шармандали аҳволга тушириб қўйишини унутмайлик – деди Р. Шукуров.

Йиғилиш иштирокчилари нотиқларга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишди. Расмий тарзда бошланган йиғилиш секин-аста жонли мулоқот, самимий суҳбатга айланиб кетди. Йиғилиш сўнггида ёнғиндан сақлаш бўлими ходимлари ўт ўчириш жараёни қандай кечишини жонли тарзда кўрсатиб беришди. Бу нарса маҳалла ёшларини ўзига хос тарзда касб-ҳунарга йўналтиришнинг амалий ифодаси бўлди.

**Феруза САЪДУЛЛАЕВА, Эркин МУҚОДИРОВ.**

# “Манас” янги бинода



Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль назорати ходимлари вилоятда ўтказилаётган “Баркамол авлод” спорт ўйинлари иштирокчиларини кутиб олиш, кузатиш, транспорт воситаларининг ҳаракатларини кузатишда ҳушёрлик намуналарини кўрсатишяпти. Жойларда ходимлар аниқ тузилган тадбирлар ва режалар асосида иш олиб бормоқдалар.

Айни спорт байрами кунларида вилоятнинг “Манас” ДАН масканида янги бино ишга туширилди. Милиция ходимларининг самарали хизмат қилишлари учун қулай шароитлар яратилган бино замонавий услубда жиҳозланди.

**А. ҚАЮМОВ.**

**Суратда:** “Манас” ДАН масканида посбонлар йўл назоратида.

**Б. БЕГИМҚУЛОВ олган сурат.**

# Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

**26 апрель куни ички қўшинлар таркибига хизматга чақириш, хизмат шартлари ҳамда уни ўташ, тарбиявий ишлар, маиший ва тиббий шарт-шароитлар каби масалалар бўйича бевосита мулоқот бўлиб ўтди. Унда ИИВ ИҚББ бошлиғининг биринчи ўринбосари, подполковник Нодиржон Восилжонович СУЛЕЙМАНОВ, хизматга чақириш ва жамлаш бўлими бошлиғи, подполковник Алишер Ғаниевич МАВЛЯНОВ, тиббиёт бўлими бошлиғи, тиббий хизмат подполковниги Тоштемир Борисович ТЎРАЕВ, бўлим бошлиғи Жумабой Жўрабоевич НОСИРОВ ҳамда ҳарбий жамоа сардорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Раимжон Ҳофизович РАШИДОВ газетхонлар саволларига жавоб беришди. Қуйида ана шу савол-жавоблардан айримларини эътиборларингизга ҳавола этамиз.**







**– Ҳарбий хизматга чақирилувчи ўз истагига кўра қўшин турини танлаши мумкинми?**

– Агар у соғлиғи жиҳатдан ҳарбий хизматга яроқли деб топилса, бошқа маънавий, касбий, жисмоний тайёргарлик талабларига жавоб берса, истак-хоҳиши ҳисобга олинади. Бу масалалар туман, шаҳар, вилоят мудофаа ишлари бўйича бўлимларида ҳал қилинади.

**– Мен захирадаги офицерман, ёшим 40 да. Ўз хоҳишимга кўра ҳарбий хизматга чақирилсам бўладими?**

– Умумҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги қонунга мувофиқ захирадаги офицерлар ва хотин-қизлар 40 ёшгача ҳарбий хизматга чақирилиши мумкин.

**– Муддатли ҳарбий хизматчилар қандай имтиёзларга эга?**

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига кўра уларга қуйидаги имтиёзлар кўзда тутилган:

– хизмат даврида уларнинг ота-оналари ер солиғидан озод этилади;

– хизмат даври умумий меҳнат стажига қўшилади;

– бепул ёзишмалар қилиш, жамоатчилик транспортида юриш ҳуқуқига эга бўлади;

– ҳарбий жамоа қўмондонлиги унга олий (ўрта-махсус) ўқув юртига кириши учун тавсиянома беради;

– олий ўқув юртига кириш учун тест имтиҳонлари топшириш чоғида унга 10 балл қўшиб берилади в. ҳ.

**– Шартнома асосида ҳарбий хизматга чақирилиш тартибини тушунтириб берсангиз.**

– Умумҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги қонунга кўра камида бир йил муддатли ҳарбий хизмат ўтаган, мутахассислик бўйича зарур касбий тайёргарликка эга йигитлар шартнома асосида ҳарбий хизматга қабул қилиниши мумкин. Уларнинг жумладан, хотин-қизларнинг ҳам ёши 19–30 оралиғида бўлиши керак.

Шартнома асосида хизмат ўтовчи ўзини салбий жиҳатдан намоён этса, шартнома муддатидан олдин бекор қилиниб, хизматчи захирага бўшатилиши мумкин.

**– Укам отамиз иккинчи гуруҳ ногиронлиги сабабли муқобил хизматни ўтаган эди. Ҳозир ички ишлар идораларига ишга жойлашишни истайди. Аммо унга ҳақиқий ҳарбий хизмат ўтамаганини, балки муқобил хизмат ўтаганини рўкач қилиб, илтимосини рад этишяпти. Шу тўғрими?**

– Муқобил хизматни ўташ тўғрисидаги қонун бунга тўсқинлик қилмайди. Ўғлингиз ўзи жойлашмоқчи бўлган ички ишлар идораси раҳбари қабулига кириб, муаммосини баён этсин.

**– Ҳарбий хизмат вазифасини (бурчини) бажариш вақтида тан жароҳати олган ёки ҳалок бўлган ходимларга, уларнинг оила аъзоларига қандай моддий ёрдамлар кўрсатиш кўзда тутилган?**

– Хизмат бурчини (вазифасини) бажариш вақтида ҳалок бўлган (вафот этган) ИИВ ҳарбий хизматчилари ва ходимларининг оиласига унинг 50 ойлик маоши миқдорича бир йўла бериладиган нафақа тўланади;

– улар хизмат вазифасини (бурчини) бажариш вақтида оғир тан жароҳати олганда 25 ойлик маоши миқдоригача бир йўла бериладиган нафақа тўланади;

– улар хизмат вазифасини (бурчини) бажариш вақтида унча оғир бўлмаган тан жароҳати олганда 10 ойлик маоши миқдоригача бир йўла бериладиган нафақа тўланади.

Бошқа имтиёз ва енгилликлар ҳақида ходимлар хизмат жойларида батафсилроқ билиб олишлари мумкин.



**– Қизим тиббиёт коллежини бу йил битиряпти. Шу мутахассислик бўйича ички қўшинларда хизмат қилиши мумкинми?**

– Мутахассисларимиз қизингизнинг касбий жиҳатдан тайёргарлигини текшириб кўриб, сўнг ИИВ ҳарбий-тиббий комиссияга юборади. Қизингиз соғлиғи бўйича ҳарбий хизматга лойиқ деб топилса ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига тўғри келса, уни ҳарбий хизматга хоҳишига кўра чақиришимиз мумкин. Саволингизга янаям батафсилроқ жавоб олишингиз учун ИҚББ тиббиёт бўлимига мурожаат қилинг.

**– Акам бундан бир ҳафта илгари ҳарбий хизматга олинган эди. Ҳалигача хат-хабар йўқ. Унинг қаерда, қайси ҳарбий жамоада хизмат қилаётганини қаердан билсак бўлади?**

– Бунинг учун мудофаа ишлари бўйича бўлимга мурожаат қилинг.

Бевосита мулоқот давомида яна кўплаб саволларга атрофлича жавоб берилди. Бу борада яна саволлар тушса, уларни тўплаб, ИҚББ раҳбарларига етказишга тайёрмиз. Зарурат туғилса, кейинроқ шу мавзуда яна бевосита мулоқот уюштиришимиз мумкин.

**Д. ИСМОИЛОВ олган суратлар.**

# Навбатчилар билан шаҳар кезиб...

## (Пост-патруль хизматидан репортаж)



**Тошкент шаҳар ИИББ пост-патруль хизмати бўлинмаси сардори, милиция майори С. Хван экипажлардан бири билан бирга навбатчилик қилиш ҳақидаги илтимосимизга бажонидил рози бўлди. Белгиланган вақтда Юнусобод туман ИИБга етиб келдик.**





Штаб бошлиғи, милиция капитани Б. Охунов бизни гуруҳ сардори, милиция кичик сержанти Олим Жамолов, ҳайдовчи-милиционер, милиция катта сержанти Эркин Тўлагановлар билан таништирди.

— Йўналишимиз ҳудудида иккита дискотека, “Аҳмад Дониш” бозори, мактаблар бор.

— Воқеалар бўлиб турадими?

— Афсуски, ўғриликлар учраб туради. Уларни воқеа жойида ушлаган пайтларимиз ҳам бўлади, — дейди Тўлаганов. — Қишда, биласиз тез қоронғу тушади. Тўққиз қаватли уй ёнидан ўтиб кетаётгандим. Қарасам, биринчи қаватдаги хонадон деразаси ёнида бир йигит атрофга аланглаб турибди. Дераза панжараси сурилган. Машинани нарироқда тўхтатиб, секин унинг ёнига бориб, ушладим. Шеригим унинг қўлига “билакузук” тақиб, машинага ўтказди. Иккинчисини кута бошладик. Чиқавермагач, аста ҳуштак чалдим. Униси дарров ойна олдига келиб “нима бўлди?” дея сўради, бизни кўрди-ю, ҳамма гапга тушунди...

Милиционер йигитлар нимадандир безовта бўлаётганини сезиб, ўша томонга қарадик: икки милиционер оёғида зўрға турган бир кишини қўлтиғидан кўтариб келарди. Машинадан чиқдик.

Милиция сержанти Х. Шокиров кулимсираб:

— Ўтлар устида ухлаб қолибди, — деди.

— Ҳозир расмийлаштирамиз, — деди милиция сержанти Ф. Тўраев, — таянч пунктидаги профилактика инспекторига, ундан уйига олиб борамиз.

— Бу ерда бизнинг ёрдамимиз ортиқча, — деди Жамолов бизга қарата. — Болалар амаллашади.

Марказий кўчага чиқдик. Чорраҳадан ўтгач, ЙПХ ходимлари тўхташ ишорасини қилдилар.

— Уларга тез-тез ёрдамимиз керак бўлиб қолади, — изоҳ берди Тўлаганов.

— Биз бу фуқарога йўл ҳаракати қоидасини бузганини тушунтира олмаяпмиз. У қайсарлик билан ўзининг ҳақлигини исботламоқчи бўляпти, — вазиятни тушунтирди ЙПХ инспектори, милиция сержанти З. Казаков.

Вазиятга ойдинлик киритилди. Йўлда давом этамиз. Қоронғулик қуюқлашди.

... Экипажимиз сардори “Сайилгоҳ” кўчасига ёрдамга боришимиз зарурлигини билдирди.

Машҳур “Бродвей” — “Сайилгоҳ” кўчасига етиб келдик. Бизни бу ерда навбатчиликда бўлган милиция катта сержанти О. Ғуломов кутиб олди.



— Бир неча ёш йигит ўзаро келишолмасдан жанжал чиқарибди, бизнинг йигитлар Т. Омаров ва Л. Худойбердиевлар жанжалга барҳам бериб, жанжалкашларни тушунтириш хати ёзишлари учун таянч пунктига олиб келдилар. Улар “биз синфдошлармиз, шунчаки, тортишиб қолдик” деб ишонтирмоқчи бўляптилар...

Рациядаги хабар бўйича “Ўзбекистон” меҳмонхонасига йўл олдик.

— Анави аёлни кўряпсизми? — милиция катта сержанти Э. Ҳамроев бир тўда одамлар орасидаги қизил кийимли аёлни кўрсатди. Уни милиционер йигит тўдадан олиб чиқмоқчи бўларди. — Уни дугоналари “пулим, тилла тақинчоқларимни олиб қочишга уринди” деб айблаяпти. Навбатчилик қилиб юриб йўлда унинг орқасидан ўн иккитача одам қувлаб келаётганини кўриб қолдик. Унга меҳмонхона ёнида етиб олишди. Агар биз вақтида улгурмасак... уларни тинчлантиришга, бундай муаммоларни қандай ечиш кераклигини тушунтиришга уриндик, қаёқда...

Мирзо Улуғбек туман ИИБдан навбатчи машина етиб келди. Унга ўғриликда гумон қилинган аёл ва даъвогарлардан бирини ўтказиб, туман ИИБга олиб кетишди.



Биз хайрлашдик. Милиция сержантлари Тўлаганов ва Жамоловлар навбатчиликни давом эттириш учун йўлга чиқишди. Уларнинг навбатчилиги тугашига бир соатча вақт қолганди...

**И. САЙФУТДИНОВА.**
**Суратлар муаллифи**
**А. МИРЗАМУҲАМЕДОВ.**

# Мулоқот янги имкониятлар белгилайди

**Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлашни янада яхшилаш, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигини таъминлашда кенг жамоатчилик билан бевосита мулоқотда бўлиш, уларнинг таклиф ва мулоҳазаларини ўрганиб бориш, фуқаролар томонидан бериладиган саволларга бошқарманинг масъул ходимлари томонидан ўз вақтида жавоб бериб борилишини йўлга қўйиш мақсадида телефон орқали Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририяти иштирокида бевосита мулоқот тадбирини ўтказмоқда. Март ойидан бошланган бевосита мулоқотнинг навбатдагиси ўтган шанба куни бўлиб ўтди.**

Мавжуд барқарор вазиятни янада мустаҳкамлаш, милиция сафидаги айрим нопок ходимларни ва салбий иллатларни аниқлаш, хизматда фойдаланмай четда қолиб кетаётган имкониятлар ва манбааларни ишга солиш мақсадини ҳам кўзлаган тадбирда бу гал вилоят ИИБ давлат автомобиль назорати, ёнғиндан сақлаш хизмати, қўриқлаш бўлими ва ташкилий инспекторлик бўлими раҳбарлари фуқароларнинг телефон орқали берган саволларига жавоб қайтардилар.

— Мен Бухоро шаҳрида хусусий дўкон очганман, иккинчи жаҳон уруши иштирокчисиман. Дўконимни марказий қўриқлаш пультига қўриқлашга топширмоқчи эдим. Тўланадиган хизмат ҳақи юзасидан имтиёзлар борми? — деб сўради фуқаро Ҳожиев.

Бошқарма қўриқлаш бўлими бошлиғи, милиция полковниги Ж. Ражабов саволга тушунтириш бераркан, отахон учун эллик фоиз чегирма билан ҳақ тўлаш имтиёзи билан шу куниёқ дўконча МҚПга уланди.

Яна бухоролик Муҳаббат Шарипова эса хонадонини МҚПга улаш масаласини тезроқ ҳал этиб беришларини сўради. Бу талаб ҳам қондирилиб, асосий расмиятчилик ишлари тугалланиб, хонадон МҚП қўриқловига олинди.

— Мен тез кунларда узоқ сафарга кетяпман, — дея ташвишли оҳангда ўз дардини айтди Н. Раҳимова, — хонадонимни МҚПга қўриқлашга топширишимни маслаҳат беришди. Овoрагарчиликка учраб қолмайманми?.

— Манзилингизни айтинг, узоғи билан икки кунда хонадонингизни марказий қўриқлов пультига улаймиз.

Саволларнинг яна бир қисми қўриқлаш бўлимига ишга кириш, хизмат ходимларининг вазифалари хусусида бўлди.

Давлат автомобиль назорати бошқармасига ҳайдовчилик гувоҳномаси қандай қоидабузарлик содир этилганда олиб қўйилиши, тўланадиган жарималар хусусида саволлар тушди.

Ёнғиндан сақлаш бошқармасининг бевосита мулоқот ўтказилиши учун ажратилган телефонини ҳеч ким безовта қилмади. Яъни, фуқаролар томонидан ёнғиндан сақлаш хизматининг ишлари юзасидан саволлар тушмади, эътирозлар билдирилмади. Ваҳоланки, бу хизматнинг камчиликлари, муаммолари етарли. Фуқаролар нафақат ўзларини қизиқтирган савол билан мурожаат этиш, шунингдек, жойларда хизмат ходимларининг ишлари юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришлари, камчилик, нуқсонларни айтиб ўтишлари мумкин эди. Бу эса айнан ёнғиндан сақлаш хизматини янада яхшилаш учун тузилаётган режаларда ўз ифодасини топарди, бир сўз билан айтганда фойдадан холи бўлмасди.

Вилоят ички ишлар бошқармасида май ва июнь ойларида ҳам фуқаролар билан телефон орқали мулоқот ўтказиш режалаштирилган. Ўтган тадбирда саволлар, мурожаат ва таклифларнинг ижобий самараси, келгусида мулоқот янада жонли ва савол-жавобларга бой бўлади, дея умид қилишга имкон беради.

**Ўз мухбиримиз.**

## “01” хабарлари

**Ўтган ҳафта мобайнида республикамиз ҳудудларида қарийб 90 хонадонда ёнғинлар содир бўлганлиги қайд этилди. Улардан етказилган моддий зарар миқдори эса бир неча юз минг сўмдан ортиқроқни ташкил этди. Турли сабабларга кўра юзага келган ушбу ёнғинларда 11 нафар фуқаролар куйиш тан жароҳати олган, 3 нафари эса бевақт ҳаётдан кўз юмган, 87 маротаба ўт ўчирувчилар ёлғон чақириқларга ҳам чиқишди.**

● Боғот туманидаги “Ғалаба” жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Г. Ҳайитова ёғни доғлаб олмоқчи бўлган. Қаттиқ қизиб кетган ёғ алангаланганда ўзини буткул йўқотиб қўйган уй бекаси қозонни кўтариб ташқарига олиб чиқаётиб қоқилиб кетган ва қозондаги ёғ унинг устига тўкилган. Натижада уй бекаси бутун танаси бўйича кучли куйиш жароҳати олган. Шу пайт онасининг ёнига югуриб келган Омонбой Раҳимов ёғнинг сачрашидан қўл ва оёқлари куйган.

● Чилонзор тумани 6-даҳасида ёнғин содир бўлаётганлиги ҳақида Чилонзор туманини ёнғиндан муҳофаза қилувчи 5-сон ҳарбийлаштирилган ёнғиндан сақлаш бирикмасига хабар тушган. Воқеа жойига етиб келган ўт ўчирувчилар ертўлада 0,5 кв.м майдонда ахлат уюми ёнаётганини ўчиришган. Ўт ўчириш ишлари олиб борилаётганда 50 ёшлардаги Европа миллатига мансуб бўлган номаълум эркак кишининг жасади топилган.

● 25 апрель куни тунги пайт соат 23 ларда Марҳамат шаҳар Мингтепа кўчаси 2-уйда ёнғин содир бўлди. Ўт ўчириш ишларини олиб борган ходимларнинг таъкидлашларича ҳамда уй эгаларининг берган маълумотларига кўра ушбу ёнғинга яроқсиз ҳолга келиб қолган электр симларининг қисқа туташуви сабаб бўлган. Натижада уйнинг том қисми, қурилиш жиҳозлари зарарланган.

● Хива тумани “Ўзбекистон” жамоа хўжалиги 2-бўлимида яшовчи Жуманиёзовлар ҳовлисидаги молхонада ёнғин содир бўлди. 35 дақиқа давомида тилсиз ёв билан олишувдан сўнг бартараф этилган ёнғин, бостирманинг 25 кв.м майдонини ҳамда 1 дона қорамолни нобуд бўлишига олиб келган. Ёнғин ёш болаларнинг гугурт ўйнашларидан келиб чиққанлиги маълум бўлди.

● Сирғали туманининг автобозор ҳудудида жойлашган автомобиллар эҳтиёт қисмлари сотиладиган шохобчаларида ёнғин содир бўлди. Ёнғин натижасида 150 кв. м метр майдонда шохобчалар қатори ёниб зарарланган.

● Уйчи туманида яшовчи фуқаро Абдуллаев ўзининг укаси билан Наманган шаҳар 22-автокорхонасига қарашли “ГАЗ-53” русумли юк автомашинасида Ўнхоят – Наманган йўналиши бўйлаб ҳаракатланаётганда машинанинг мотор қисмидан ёнғин чиққан. Ва натижада машинанинг мотор қисми, кабинаси в а олдинги резина баллонлари ёниб кетган.

**Д. ҚАМБАРОВ.**

Саҳифада — Жиззах вилояти

# Уюшқоқлик самара беряпти

**Фориш тумани вилоятнинг Қозоғистон Республикаси билан чегарадош қисмига жойлашган. Ҳудуднинг асосий қисми яйловлардан иборат бўлгани учун аҳоли сийрак яшайди. Бу эса ўз-ўзидан ички ишлар идоралари ходимларига катта масъулият юклайди. Айни кунларда давом этаётган “Антитеррор” тадбирида туман ИИБ раҳбарияти асосий эътиборни чегара ҳудудларида қонунбузарлик ва қоидабузарликларни аниқлаш ва тегишли чоралар кўришга қаратган.**

— Тадбир самарали ўтиши учун текширув гуруҳига ҳар бир хизматдан ходимларни киритганмиз, — деди туман ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Муҳаммаджон Раҳимов. — Шунингдек, жойлардаги қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар фаолларини ҳам бу тадбирга жалб этганмиз. Тўғри, улар хонадонларни айланишмайди, лекин олиб борилаётган ишларнинг моҳиятини фуқароларга тушунтириб, огоҳ бўлишга, турли хил террористик, диний-экстремистик кайфиятдаги кишиларнинг алдовига учмасликка, уларнинг таъсирига тушиб қолмасликка чақиришади. Айниқса, ёшларнинг тарбиясига эътиборли бўлишда ота-оналарга фойдали маслаҳатлар беришади.

Тадбир давомида бир қатор қоидабузарликлар ҳам аниқланяпти. Туманнинг чегара ҳудудида жойлашган Еримбетов номли ижара хўжалигида яшовчи Райимжон С. хонадонидан ноқонуний равишда сақланаётган ов милтиғи ва 12 та ўқ топилди.

“Боғдон” ширкат хўжалигининг Тўлабой қишлоғида яшовчи Тенглихон И. тадбир ўтказаётган ходимларни сезиб қочиб қолади. Унинг бу ҳаракати ходимларда шубҳа уйғотади. Қўлга олиниб текширилганда

“Антитеррор”

ёнидан 60 г гиёҳвандлик моддаси чиқди.

Туманнинг аҳолиси асосан чорвачилик билан шуғулланади. Қорамол, йилқи ва қўйлар яйлов усулида боқилади. Айрим фуқаролар молларини яйловга қўйиб юбориб, бепарво юришга одатланишган. Бу эса мол ўғриларига жуда қўл келади. Ходимларимиз айнан яйловларда бўлиб, чўпон-чўлиқлар билан суҳбатлашиб, уларни ҳушёр бўлишга, мавжуд ов қуролларини расмийлаштириб, қоидалар асосида сақлашни тушунтириб келишаяпти.

“Антитеррор” тадбири бир сўз билан айтганда туманда самарали ўтказиляпти. Бунинг асосий сабаби ходимлар уюшқоқлик билан иш олиб боришяпти.

# Мерганлик синови

(суратли лавҳа)

**Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари яқинда ана шундай синовдан ўтишди. Тоғ бағрида жойлашган “Динамо” спорт-соғломлаштириш мажмуида тўппонча ва автомат билан турли масофаларга отиш машқи ўтказилди.**



— Отиш маҳоратини назарий машғулотларнигина ўтказиш билан ошириб бўлмайди, — деди вилоят ИИБ ШТБИХ бошлиғининг жанговар ва махсус тайёргарлик бўйича ўринбосари, милиция подполковниги Бахтиёр Шодмонов. — Шу боис ҳам белгиланган дастур асосида барча хизматлар ходимлари ўқотар қуролларда отиш машқини ўтказадилар. Бу галги синов машғулотларда коррупция, рэкет ва терроризмга қарши кураш, давлат автомобиль назорати, жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари ходимлари нишонларни аниқ мўлжалга олиб, мерганлик маҳоратларини намойиш этдилар. Йўл-патруль хизматидан милиция старшинаси Д. Хидиров, милиция лейтенанти А. Эргашев, ИИБ ЖҚБ бошлиғи, милиция подполковниги Ў. Маҳмуджонов, милиция майори К. Усмоновлар, айниқса, энг юқори натижаларга эришишди.

**Суратларда:** отиш майдонида синов машқи кетяпти.

**Б. БЕГИМҚУЛОВ олган суратлар.**



Кинология хизмати

# “Крисс” ва “Демон” ўққа қарши боради

Узоқдан отилган ўқ тоғ сукунатини бузади. Ярқ этиб ўчган учқунни кўриб ўқ овозини эшитган ит ҳушёр тортиб ўша ёққа қарайди. Чамаси икки юз метрлар наридаги тошлар орасига беркиниб, отаётган кишининг ўзи кўринмайди. Буйруқ берилиши билан ит бир неча сонияларда ўқ отилган жойга етиб бориб, беркиниб ётган кишига ташланиб, унинг қўлидан автоматни тишлаб тортиб олади.

— Машқ майдонида ўтказилаётган бу машғулотда биз итларга қуролларни топиш ва тортиб олишни ўргатяпмиз, — деди Жиззах вилояти ИИБ ЖТСБ кинология маркази раҳбари, милиция катта лейтенанти Ш. Мирзақулов. — Олти йил аввал вилоятимизда кинология хизмати ташкил этилган эди. Дастлаб ўн иккита ит ва тўққиз нафар ходим билан ишни бошлаган эдик. Бу хизматнинг тинчлик ва осойишталикни сақлащдаги ўрни алоҳида аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, ана шу соҳага қизиқадиган, армия хизматида кинология билан шуғулланган, “Ватанпарвар” мудофаага кўмаклашувчи жамият клубларининг аъзолари ва бошқа муносиб кадрларни танлаб олдик. Ўзбекистон Республикаси ИИВ қарори бўйича кинология хизматини ривожлантириш мақсадида тоғ бағрида жойлашган “Динамо” спорт-соғломлаштириш мажмуи базасида кинология маркази ташкил этилди.

Кейинги пайтларда вилоят ИИБ раҳбариятининг қўллаб-қувватлаши, ёрдами туфайли туман ички ишлар идоралари ва бир қатор бўлимларда кинология хизматини яхшилаш учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Кинология марказида эса ўқув мажмуаси, тиббиёт хонаси, сауна ва бошқа зарурий хоналар қурилди. Тўрт оёқли ёрдамчилар учун қишки ва ёзги уйчалар, ветеринария лабораторияси, кучукчалар учун алоҳида катаклар, туғруқ жойлари қурилган.

Машқ майдонида машғулотлар белгиланган дастур асосида, узлуксиз олиб борилади. Ит ўргатувчилар, милиция сафдорлари М. Ҳайдаров ва О. Нишоновлар “Крисс” ва “Демон” лақабли итларга қуролланган кишиларга ташланиб қуролини тортиб олишни ўргатишяпти. Машғулотлар тоғли, юриш қийин бўлган ҳудудларда ўтказилмоқда.

# Зомин милициясининг фидойилари

Даштобод шаҳар милиция бўлимида “Антитеррор” тадбирининг бориши ҳақида навбатдаги йиғилиш борарди. Рациядан навбатчининг ташвишли овози янграб қолди:

— “Янги чорвадор” ижара ширкатлар бирлашмаси ҳудудидан ўтган электр тармоғида тахминан икки километр узунликдаги симлар кесиб кетилган.

— Манзилини аниқ билиб, тезкор гуруҳни жўнатинглар, биз бу ёқдан етиб борамиз, — деди рацияга жавобан туман ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Карим Отақулов.

— Ширкат бирлашмасининг дашт зонасидан ўтган газ тармоқларини муҳофаза қилувчи линиядаги симёғочлардан кесилганини айтишди, — деди навбатчи аниқлик киритиб.

Бошлиқ йиғилганларга амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни топширди-да, шаҳар милиция бўлими бошлиғи, милиция майори Абдулла Пияшовни олиб йўлга чиқди.

— Кейинги уч ўғрилик ҳам айнан ана шу тармоқда бўлди, — деди К. Отақулов.

— Идораси Самарқандда, даштдан ўтган симёғочларни ҳеч ким қўриқламайди, ўғрилар шундан фойдаланяпти-да.

— Агар шу гуруҳнинг изини топсак, анча жиноятлар очиларди, — деди бошлиқ мушти билан тиззасига уриб.

Зомин даштининг марказий қисмига етиб келганларида тезкор гуруҳ энди иш бошлаган эди.

— Ўртоқ бошлиқ, симларни Зарбдор томонга олиб кетишганлиги кўриниб турибди, машина излари ўша ёққа кетган, — деди гуруҳ раҳбари ЖҚБ катта тезкор вакили, милиция катта лейтенанти Эркин Азимов.

— Участка вакилига хабар беринглар, шу орада мол боқаётган чўпонлар билан суриштирув олиб борсин. Сиз Зарбдорга ўтинг, у ерда ишлагансиз, кўпчиликни танийсиз, — деди бошлиқ милиция майори А. Пияшовга юзланиб.

У ходимларга топшириқ берди-да, Зоминга қайтди.

Абдулла Пияшов Зарбдорга келиб, суриштирувни бошлаб юборди. Ҳамкасблари билан кенгашиб, оёқ олиши ўзгариб қолган йигитларнинг манзили ва ошналарини ёзиб олди. Тажрибали милиция майори янглишмаган эди. Ўзи ишлаб юрган дамларда ножўя ишлари билан номи чиққан Ж. Рустам ва А. Икромларни қандайдир машинага сим ортиб кетаётганини кўрганлар топилди. А. Пияшов ёнидаги ҳамроҳлари билан уни излашга тушишди.

...Тушдан кейин иш кўлами яна кўпайди. “Антитеррор” тадбири давомида Даштобод шаҳрида яшовчи Жўраевнинг икки кун илгари йўқолган икки бош қорамоли топилди. Участка вакили, милиция катта лейтенанти Бахтиёр Норбоев шу шаҳарда яшовчи Султон ва Номозларнинг тез-тез ошхона атрофида айланиб қолгани ва маишатга берилганини кўриб, шубҳаланди. “Антитеррор” тадбири гуруҳи аъзолари уларни яна маишат қилиб бир-бири билан жанжаллашаётганида ушлашди. Участка вакилининг шубҳалари тўғри чиқди. Бу икки шоввоз Жўраевнинг молларини ўғирлаб, сотиб юборган экан. Дастлабки суриштирувда эса Султон ўз қўшнисининг бир бош хўкизини ҳам ўғирлаганини тан олди.

Участка вакили А. Лапазов туман ички ишлар бўлимига икки йигитни бошлаб келди. Маълум бўлишича ҳар иккови қўшни республикадан бўлиб, қариндошларникига келдик, дея тушунтириш беришган. Аслида ҳеч кими бўлмаган.

Суриштирув ва текширувлар ўтказилгунича икки йигит вақтинча ушлаб туриладиган бўлди.

Шу куни туман ҳокимлиги ва ИИБ раҳбариятининг Тожикистон Республикаси билан чегарадош Чилламозор қишлоғи аҳолиси билан учрашув режалаштирилганди. Ўтган ҳафтадаги учрашувда Бешбулоқликлар туман ИИБ раҳбарлари ва туман ҳокимияти билан суҳбатда бир қатор муаммоларни ўртага таплашганди. Вилоят ҳокимлиги билан келишган ҳолда ҳал этилиши керак бўлган масалалар ёзма равишда жўнатилди.

Чилламозор қишлоғидаги учрашувга кўпчилик йиғилди. Дастлаб ҳокимлик вакили Раҳмонқул Раҳмонов, яқинлашиб келаётган мустақиллик байрамининг ўн йиллиги, туманда олиб борилаётган ишлар, қишлоқларни янада ободонлаштириш борасидаги режалар хусусида гапирди.

Туман ИИБ бошлиғи одатдагидек, ички ишлар идоралари ходимларининг тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш борасидаги ишлар ҳақида қисқа гапириб, асосий мавзуни милиция ходимлари билан жамоатчиликнинг, аҳолининг биргаликда, баҳамжиҳатлик билан жиноятчиликнинг олдини олищдаги ишларига қаратди.

— Тоғли қишлоқларнинг беш-олтитасига битта участка вакили тайинланган. Гарчи у тез-тез қишлоқларни айланиб юрса-да, бир йўла ҳамма ердаги вазиятни тўлиқ билишга имкони йўқ.

Бошлиқ ёшларни диний-экстремистик оқимдаги кишилар таъсирига тушиб қолишида ота-оналарнинг, маҳалла фаолларининг айби борлиги, кейинги пайтда оилаларда фарзандларнинг юриш-туришига бўлган назоратнинг бўшашиб кетганлиги сабабларини мисоллар орқали ифодалаб берди.

Қишлоқ фаоллари ўтказилган учрашувдан мамнунликларини изҳор этиб, ҳокимлик ва милиция хизматидаги айрим камчиликларни айтиб ўтдилар.

Кун анча оғиб қолганда машина яна Зомин томон йўл олди. Йўл-йўлакай чегара постларини кўриб чиқишни режалаштирган бошлиқ рация орқали вазиятни суриштирди.

Хайтовур тинчлик. Навбатдаги постга кетаётганда отлиқ назоратчилар постларни автопатруль хизматига топширишарди.

— Ўртоқ бошлиқ, ҳудудни тўлиқ назорат қилиб турдик. Тартиббузарлик, қонунбузарликлар аниқланмади.

Машина салобатли Зомин тоғларидан пастга қараб ўрмалайди. Атрофга қоронғулик чўккан.

Рация яна сайраб қолди.

— Майор Абдулла Пияшов хабар берди, сим ўғрилари ушланибди. Ҳаммаси Зарбдордан экан. Ҳозир бўлимга олиб келишаркан.

Бошлиқ ўзини бироз енгил ҳис қилди.

— Уйга ҳайдайми? — сўради ҳайдовчи бошлиқдан.

— Йўқ бўлимга, тунда яна постларни айланамиз.

Карим Отақулов асли Қашқадарё вилоятидан, кўп йиллар вилоятнинг бир қатор шаҳар ва туманларида хизмат қилди. Чўл воҳасида ўсган йигитнинг тоғли туманга бошлиқ этиб тайинланиши дастлаб унга қийинчилик туғдирди. Айниқса, нисбатан нотинчлик тез-тез такрорланиб турган Тожикистон Республикаси билан чегарадош ҳудудда ишлаш осон эмас. Лекин Зомин тумани милиция ходимлари унинг раҳбарлигида ўзларига билдирилган ишончни оқлаш, чегара туманда тинчлик ва осойишталикни сақлашда фидойилик намуналарини кўрсатишяпти.

**Садриддин ШАМСИДДИНОВ.**
*Жиззах вилояти.*

Tabassum +TV
HAFTALIK DASTURLAR
Постда gazetasining ilovasi






**Нотаниш атама ва тушунчаларга дуч келсак, уларнинг изоҳини, маъносини билгимиз келади. Кўпчилик "уфолог", "уфология", "НУЖ" атамаларини эшитгандир, бу тушунчаларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳам билишса керак. Уларнинг келиб чиқишини, асл маъносини-чи? UFO инглиз тилидан олинган бўлиб, unknown flying objects, яъни номаълум учар жисмлар дегани. Уфология – НУЖ ҳақидаги фандир. Бу нисбатан ёш, янги илм соҳаси бўлиб, атамалари ҳали тўла ишлаб чиқилмаган. Аммо уфолог-олимлар бу борада фаол ишлашяпти. Қуйида шу соҳа вакили Сергей СОКОЛОВ билан суҳбатимизни эътиборингизга ҳавола қиламиз.**

# НУЖга дуч келганмисиз?

**— Сергей, айтинг-чи, уфология билан шуғулланишни қачон бошлагансиз?**

— Ўқувчилигимдан десам ҳам бўлади. Тошкент автомобиль йўллари институтида ўқиб юрганимда уфологлар клубига раҳбарлик қилардим. 1991 йилдан 1999 йилгача қуват-ахборот алмашиш ҳодисаларини ўрганиш институтида ишладим. 1999 йил августида "NITSUFO-TNIO" фирмасини очдим.

**— Фирмангиз қандай фаолият билан шуғулланади?**

— Фирма жамоаси ғайритабиий ҳодисаларнинг гувоҳи бўлган кишилар билан батафсил суҳбатлашишади, номаълум учар жисмлар пайдо бўлган жойларни тадқиқ қилиш мақсадида фото, кино тасвирларга олади. Одамларнинг ғайриоддий қобилиятларини илмий асбоб-ускуналар ёрдамида ўрганамиз, аҳолига ва манфаатдор ташкилотларга баъзи бир ғайритабиий ҳодисаларнинг кишиларга ва моддий иншоотларга салбий таъсирининг олдини олиш бўйича маслаҳатлар берамиз.

**— НУЖга дуч келишни турли гуруҳларга таснифлаш мумкинми?**

— Уфологлар бу масалада одатда машҳур астроном ва НУЖлар бўйича энг обрўли мутахассислардан бири профессор Жозеф Ален Хайнек тавсифномасига амал қилишади. Олим НУЖлар билан алоқаларни уч турга бўлади: биринчи турда НУЖлар кузатувчиларга ҳам, атроф-муҳитга ҳам айтарли таъсир кўрсатмайди; иккинчи турда НУЖ кузатувчига, жониворларга, атроф-муҳитга сезиларли таъсир қилади; учинчи турда бундан ташқари гуманоидлар ҳам пайдо бўлади. Аммо сўнгги тадқиқотлар бунга ўз ўзгартишларини ҳам киритяпти.

**— Қайси табақага мансуб одамлар кўпроқ ғайритабиий ҳодисаларга дуч келишади?**

— Бу ҳаммада ҳам бўлиши мумкин. Айрим одамлар полтергейст, яъни руҳлар ўйинига гувоҳ бўлишган. Зеро, ғайриоддий ҳодисалар бу фақат НУЖлар дегани эмас-ку.

**— Руҳлар ўйинини кўрганлар буни қандай тасвирлаб беришади?**

— Шуниси қизиқки, баъзан тошларнинг, жисмларнинг учиш траекториясини илмий нуқтаи назардан тушунтириш қийин. Масалан, Филипп Славин шундай ҳикоя қалади. У ҳовлидаги ошхонасидалигида челакдаги кўмирнинг олмадай келадиган бўлаги отилиб кетиб, бориб ошхона билан омборхона ўртасидаги дераза ойнасига урилади. Ойна чил-чил синиб, кўмир бўлаги шундоқ дераза тагига тушади.

Фуқаролардан бирининг хонадонида икки ой мобайнида ўз-ўзидан кичик-кичик ёнғинчалар чиқиб туради. Гоҳ кийим ёнади, гоҳ мебель, бирда эшик кесакиси, бошқа сафар парда. Уч кун мобайнида бу ерда навбатчилик қилган ўт ўчирувчилар ҳодисанинг сабабини топиша олишмайди. Аммо ҳеч бир ҳолатда одамларга зиён етмайди.

Козима Эркабоеванинг уйида эса тўрт марта ўз-ўзидан ойна синади. Сал кейин ўғлининг машинаси капоти устига тош келиб тушади.

Яна бир ана шундай сирли ҳодиса ҳақида Мухтор Муҳаммаджонов ҳикоя қилиб берганди. У тунги соат бир яримларда Сирдарёда укаси билан ов қилиб юрганида оппоқ ялтироқ пўлатга ўхшаган шар учиб юрганини кўриб қолади. Шар улардан тахминан 3 км нарида самолётдан ҳам тез учган экан.

**— Бундай ғаройиб воқеа-ҳодисалар билан қизиққанлар сизга мурожаат қилишса бўладими?**

— Албатта. Ушбу мавзудаги ахборотларни тўплаш, тарқатиш билан шуғулланувчи клубимиз эшиги барча учун очиқ. Афсуски, таъмирлаш, қайта жиҳозлаш ишлари бажарилаётгани сабабли клубимиз ҳозирча ишламаяпти. Аммо истовчилар 088(8830) рақамли пейжерга хабар узатишлари мумкин.

**Суҳбатдош
И. ДОЛЕНКО.**



## Қўллар

*Одамларнинг қўлидан кўп ишлар келар,*
*Дейдилар "қарсак чиқар фақат жуфт қўлдан",*
*"Бу ишга фалончилар қўл урган" дерлар,*
*"Яхши иш ўнг қўлдан-у, ёмони сўлдан".*

*Қўллар бор — бош силабон, кўнгил овлайди,*
*Қўллар бор — бошқаларга чуқур ковлайди.*
*Қўллар бор — ҳурмат ила бошга кўтарар,*
*Қўллар бор — орқангиздан чоҳга итарар.*

*Қўллар бор — лойлар қориб ясайди тандир,*
*Қўллар бор — "лойи" бўлса "бир-бирини танир".*
*Қўллар бор — парча этни қилгувчи одам,*
*Қўллар бор — ҳаётга бергувчи барҳам.*

*Қўллар бор — эзгулик-чун тутади қалам,*
*Қўллар бор — қалам бирла еткарур алам.*
*Қўллар бор — оғир заҳмат-меҳнатдан толур,*
*Қўллар бор ишламай-да "мўмайроқ олур".*
*Айтаверсам-да, хуллас, "қўллар" кўп жуда,*
*Жуда ҳам кўп хислатлар уларга молик,*
*Тилагим шу — яхшилик келсин улардан,*
*Улар бирла янчилсин барча ёмонлик.*

## Эшик

*Эшик сўзи катта маънога молик...*
*"Икки эшик ораси" — умрга тимсол,*
*"Эшик очиқ" дегани қалби очиқлик,*
*Эшиксиз уй эса лаҳадга мисол.*

*Қайта кирар эшикни қаттиқ ёпмаслар,*
*Толеъ эшик қоқмаса бахтни топмаслар,*
*Дерлар: эшикдан кирса нияти "пастлар",*
*Аларни ҳаттоки итлар қопмаслар.*

## Қопқон

*Қопқон ўзи нега яроқли?*
*Вазифаси — ваҳший тутмоқлик.*
*Ваҳший йўқми икки оёқли?*
*Гап тагига керак етмоқлик:*
*Қай кимсага қопқон атоқли?*
*Кўп ҳақига кўз олайтирган,*
*Олғирликда пихини ёрган,*
*"Олғачгина" ишни битирган,*
*Виждонни ҳам ютиб юборган,*
*Шундайларга аталган қопқон.*

*Кимнинг нафси ҳакалак отган,*
*Соддаларни аямай "соққан",*
*Бозорларда чўнтакни "қоққан",*
*(Бор унга ҳам ахир кун "боққан"),*
*Ўшал учун аталган қопқон.*



## Дастлаб ер юзида эдилар танҳо–
## Момо Ҳавомизу ҳам
## Одам Ато ...

*Бир куни кеч қайтганда уйига Ато,*
*Рашкдан қоврилиб Момо, роса саннади,*
*Дунёда йўқ бўлса-да бошқа зот ҳатто,*
*Эрин қовурғасини бот-бот санади.*

**Ғолиб ЙЎЛДОШ.**

## Маънавий зарар учун 200 минг крона

Телетомошабинларга Россия телевидениесидаги “Телевизион танишув” ва “Урмас Отт билан ...” кўрсатувлари орқали яхши таниш бўлган эстониялик машҳур журналист Урмас Отт ҳақорат қилиб етказган маънавий зарари учун учун адабиётчи Олев Ремзуга 200 минг крона (тахминан 11,5 минг доллар) тўлаши керак. Таллинн шаҳар суди шундай қарорга келди. Маънавий зарарни қоплашдан ташқари Оттнинг бўйнига 11 минг кронага тенг бўлган суд харажатлари ҳам тушди.

Олев Ремзунинг талабига биноан Урмас Оттга нисбатан очилган жиноий иш 1999 йилнинг 21 сентябрида якунланган. Ўшанда Таллинн шаҳар суди тележурналистни адабиётчини ҳақоратлашда айбдор деб топиб уни 10 минг крона жарима тўлашга мажбур қилган эди. Шундан сўнг Ремзу журналистдан етказилган маънавий зарар учун ҳам тўлов талаб қилишга қарор қилди.

Олев Ремзуга 1998 йилда Nadal журналида чоп этилган Отт билан интервью ёқмади. Интервьюда Урмас Отт Ремзуни унинг Эстония телевидениеси спорт шарҳловчиси Toomac Убнинг Нагано Қишки олимпиадасидаги фаолиятига нисбатан билдирган фикрлари учун ҳақоратлаган.

**Б. АЗИМОВ тайёрлаган.**





Сўзсиз сурат.






— Дадаси менга шу тошойна ёқди.

**А. Ҳакимов чизган расмлар**

## O`nta farqni toping



### Тўкин дастурхонингизга



## “Рига” торти

**Зарур маҳсулотлар:** 270 г маргарин, 270 г шакар, 270 г ун, 4 дона тухум, 1 дона лимон, 1/4 чой қошиқда ош содаси.

Тухум ва маргарин бир хил ҳароратда бўлиши керак. Маргарин ва шакарни аралаштириб, биттадан тухумни қўшинг. Лимоннинг пўстлоғини қирғичдан ўтказинг, ўзини сиқиб, шарбатини чиқаринг. Содани ҳам унга қўшиб, аралашма тайёрланг. Қолип (форма)га солиб, бир нечта “нон” пишириб олинг ва уларга хоҳлаган кремингизни суринг.

## “Ғаройиб” торти

**Зарур маҳсулотлар:** 3 стакан ун, қирғичнинг йирик тишидан ўтказилган 1 пачка маргарин, 1 стакан сметана, майдаланган ёнғоқ мағизи.

**Крем учун:** 250 г сариёғ, 1 банка қуюлтирилган сут, 1 ош қошиқда коньяк, 0,5 пачка ванилин, 1 десерт қошиғида какао.

Торт учун тайёрланган ҳамма маҳсулотингизни аралаштириб, хамир қоринг. Ундан саккиз дона юпқа “нон” пишириб олинг. “Нон”нинг биринчиси юзига смородина (ёки ўзингизда мавжуд бошқа мевалар) желесини, иккинчисига крем суринг. Уларни устма-уст қўйинг. Шу тарика навбат билан еттита “нон”ни устма-уст қўйиб, саккизинчисини чиройли қилиб безаб, тепасига майдаланган ёнғоқ сепинг.

## “Руслан” торти

**Зарур маҳсулотлар:** 500 г сметана, 500 г шакар, 100 г сариёғ, 0,5 чой қошиқда ош содаси, 5 ош қошиқ ун, бир неча томчи уксус.

Шакар, ёғ, сметанани яхшилаб аралаштиринг. Ҳосил бўлган аралашмани иккига бўлиб, бир қисмидан крем сифатида фойдаланиш учун совутгичга қўйинг. Иккинчи қисмига ун сепиб, 0,5 чой қошиқда ўлдирилган ош содаси солинг. Хамирингиз қуюқ, лекин қўлга ёпишмайдиган бўлиши керак. Тўртта “нон” пишириңг, улардан бири қизариброқ ва сингиброқ пишсин (майдалаб, сепиш учун). Қолган учта “нон”нинг устига крем суриб, унга майдаланган тўртинчи “нон”ни сепинг. Тайёр тортни совутгичда 10 соат сақланг.

***Ёқимли иштаҳа!***



# Пиво «байрами»



Австралиянинг Твид Хедс шаҳарчаси аҳолисига кутилмаганда бахт кулиб боқди. Юк ташувчи автомобилнинг ғилдираги чиқиб кетиб, шаҳарни кесиб ўтувчи дарёга 24 000 шиша пиво тушиб кетди.

Авария дам олиш кунлари олдидан рўй берди ва Reuters хабарига кўра шаҳарчанинг аксарият аҳолиси пиво орқасидан дарёга шўнғий бошлашди. Юзлаб "қидирувчилар" ичида сув остига шўнғиш мосламалари билан мукаммал "қуролланган" кишилар ҳам бор эди.

Гувоҳларнинг айтишича, уларнинг кўпчилиги иши бесамар бўлмади. Масалан, "шўнғувчилардан" бири дарё тубидан 400 шиша пиво олиб чиқди ва уларни машинасига ортиб номаълум йўналишда ғойиб бўлди.

## Цифрограммали кроссчайнворд

1. Ўзбекистоннинг биринчи ички ишлар вазири, генерал-майор. 2. "Ўзбегим" шеърининг муаллифи. 3. Кимёвий элемент. 4. Биринчи ўзбек кинооператори. 5. Ундан оёқларингиз меҳнатини аямасангиз, манзилга тез етказади. 6. Мусулмон мамлакатларининг қадимги олтин тангаси. 7. Мамлакатимиздаги шаҳарлардан бири. 8. Рецидивистларга нисбатан милиция томонидан қўлланиладиган огоҳлантириш-профилактика чораси. 9. Шифокорлик илмининг арабча номи. 10. "Қилич ва қалқон" бадиий фильмининг постановкачи-режиссёри. 11. Европадаги сўнмаган ягона вулқон. 12. Вақт ўлчов бирлиги. 13. Йўлларни асфальтлаш ва қурилиш материали сифатида ишлатиладиган эффузив тоғ жинси. 14. М. Ю. Лермонтов шеърларида мадҳ этилган дарё. 15. Тригонометрик функцияларнинг бири. 16. Шамсия йил ҳисобида тўртинчи ойнинг номи. 17. Юнгдан босиб ишланган палос. 18. "Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси" номли кўп серияли телефильмда бош ролни ижро этган таниқли киноактёр. 19. Ленанинг йирик ўнг ирмоғи. 20. Эл-юртимиз осойишталигининг посбони. 21. "Аполлон – 16" космик кемасида кема командири сифатида Ойга бориб келган АҚШ космонавт-учувчиси. 22. Меъморлик ва ҳунармандликда ишлатиладиган мураккаб геометрик нақш. 23. Тилшуносликда гапнинг иккинчи даражали бўлакларидан бири. 24. Бу терма қўшиқ тўй ва йиғинларда йигитлар ва қизлар орасида тарафма-тараф бўлиб айтилади. 25. Ўзбек шеъриятида мисра ва байт сўнгида такрорланадиган сўз, ибора. 26. Қадимги юнон файласуфи, милет мактабининг асосчиси. 27. Ўрта Осиёда қадимдан кенг тарқалган рўзғор буюми. 28. Кичик Зонд ороллари таркибидаги энг йирик орол. 29. Дунёда қайси пойтахт "Мангу шаҳар" номини олган? 30. Рангли металл. 31. Республикамизнинг пул бирлиги. 32. Математикада айириш ва манфийлик белгиси. 33. Ўзгалардан махфий тутилган иш, гап, маълумот ва шу кабилар. 34. Инерт газ. 35. Грециядаги маъмурий – ҳудудий бирлик. 36. Қирғиз халқининг қаҳрамонлик достони. 37. Суюқ металл. 38. Уст кийимнинг икки ён этаги. 39. Марокаш давлатининг пойтахти. 40. Дутор, танбур, ғижжак, чанг каби мусиқа асбобларининг товуш манбаи. 41. Гипсдан машҳур "Мутафаккир" ҳайкалини яратган француз ҳайкалтароши. 42. "Уч денгиз оша саёҳат" кинофильмининг бош қаҳрамони.




***Энди кроссчайнворднинг топилган жавоб сўзларидан "очқич" ўрнида фойдаланишни эпласангиз, шаклнинг устки ва пастки ёйларида халқимизнинг доно ҳикматларидан бири аён бўлади. Цифрограммадаги қўшмасонларнинг биринчиси жавоб сўзнинг тартиб рақамини, иккинчиси шу сўзнинг нечанчи ҳарфини олиб, ёйлардаги тегишли хонага ёзиш кераклигини билдиради.***

**Тузувчи Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ.**

# MUNAJJIMLAR BASHORATI
## kelgusi hafta uchun

**ҚЎЙ (21 март – 20 апрель)**

Ушбу ҳафтада молиявий аҳволингизни яхшилашга ҳаракат қилишингизга тўғри келади. Қимматбаҳо қоғозларни сотиб олмаганингиз маъқул. Иш жойингиздаги ўзгаришлар муваффақият келтиради. Янги иш топишингиз ёки маоши юқори бўлган лавозимга ўтишингиз эҳтимолдан холи эмас. Пайшанба – сизнинг кунингиз.

**СИГИР (21 апрель – 21 май)**

Сиздаги фаоллик касб маҳоратингиз ошишига олиб келади. Ташкилий ва режалаштириш билан боғлиқ юмушлар муваффақиятли якунланади. Раҳбарлар билан муносабатингиз яхшиланади. Бошлиқ бўлиб ишлаётганлар қўл остидагилар билан оралиқ масофани узоқроқ тутганлари маъқул. Чоршанба – омадли кун.

**ЭГИЗАКЛАР (22 май – 21 июнь)**

Ушбу ҳафтада хизмат билан боғлиқ юмушларни ҳар қандай қийинчиликларга қарамай уддалашингиз зарур. Барча режаларингизни сир сақлашни маслаҳат берамиз. Иқтисодиёт соҳасидаги хатти-ҳаракатлар сешанба ва шанба кунлари самара келтиради.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22 июнь – 23 июль)**

Фалсафани чуқуррок эгаллаб, ўз олдингизга қўйилган вазифаларни бажаришга интилинг. Иш жойингизда келишмовчилик келиб чиқишидан эҳтиёт бўлишни маслаҳат берамиз. Баъзи масалалар ечимини кейинроққа қолдирганингиз маъқул. Шахсий ҳаётингизда ажойиб учрашувлар бўлиб ўтади. Янги танишлар билан муносабатлар жиддийлашиб кетиши мумкин. Чоршанба ва пайшанба – омадли кунлар.

**АРСЛОН (24 июль – 23 август)**

Меҳнат фаолиятида яхши натижаларга эришасиз. Ушбу ҳафта янги танишлар орттириш ва мулоқотлар учун муваффақиятлидир. Атрофингизда жиддий одамлар – директорлар, амалиётчилар, йирик тижоратчилар тўпланишига эришинг. Улар билан ҳамкорлик олдингизга қўйилган мақсадга эришишингизда қўл келади. Шахсий ҳаётингизда тотувлик ва осойишталик ҳукм суради. Муваффақиятли кунлар – жума ва шанба.

**БОШОҚ (24 август – 23 сентябрь)**

Ушбу ҳафта эътиборли танишлар орттириш ва муносабатларни йўлга қўйиш учун қулайдир. Ўзингизни қўлга олиб, таваккал иш тутманг. Узоқ сафарга боришингиз фойдадан холи эмас. Етти кунликдаги барча дамлар муваффақиятли ўтади.

**ТАРОЗИ (24 сентябрь – 23 октябрь)**

Жамоат ишларини пухта режалаштиринг. Журнал ва газеталар таҳририятлари билан алоқа боғлаганингиз маъқул. Бу даврда тижоратчилар маблағ ўтказишса турли хил омадсизликлар келиб чиқиши мумкин. Умуман амалий фаолиятни бироз тўхтатиб туришни маслаҳат берамиз. Душанба ва якшанба – сизнинг кунларингиз.

**ЧАЁН (24 октябрь – 22 ноябрь)**

Ҳужжатлар билан ишлашда эҳтиёт бўлинг. Озгина хатолик жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Ишлашни истамаслигингиз ва барча хатти-ҳаракатларда етакчи бўлишга интилишингиз муайян қийинчиликлар келтириб чиқаради. Ҳатто яқин кишингиз билан ана шундай муносабатда бўлмаганингиз маъқул. Душанба ва шанба – омадли кунлар.

**ЁЙ (23 ноябрь–21 декабрь)**

Ўзингизни босиқ тутиб, ишончли бўлмаган таклифлар, шунингдек, кутилмаган танишувлардан сақланинг. Иш жойингизда ҳужжатларни тартибга солиб, қолиб кетган юмушларни бажаришга муваффақ бўласиз. Шахсий ҳаётингизда шеригингизнинг тутган йўли сизни қувонтиради. Ўртангизда ишонч ва тотувлик ҳукм суради. Чоршанба ва пайшанба кунлар узоқ вақт ёдингизда қолади.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь – 20 январь)**

Тижоратнинг янги соҳасига йўл очилади. Фаоллик ва ишларни бажаришда фидойилик кўрсатишингизга тўғри келади. Жасурлик ҳамда тиришқоқлик билан яхши натижаларга эришасиз. Муҳаббат бобида воқеалар ривожи кутилмаган томонга ўзгариб кетиши мумкин. Жума ва шанба – фарахбахш кунлар.

**ҚОВҒА (21 январь – 19 февраль)**

Мазкур ҳафта юлдузлар ҳомийлигида омадли ўтади. Бу даврдан ўз манфаатларингиз йўлида фойдаланишга ҳаракат қилинг. Ишбилармон кишилар тузган битимлар ва шартномалар кутилган натижани бермайди. Бундан асло тушкунликка тушмай, фаол ҳаракат қилсангиз унинг ўрни қопланиб кетади. Чоршанба ва жума – муваффақиятли кунлар.

**БАЛИҚ (20 февраль – 20 март)**

Тақдирингиз сиз кутмаган томонга ўзгариб кетиши мумкин. Бу эса ақл билан иш тутишни талаб этади. Эҳтиёт бўлинг, чунки ишонувчанлигингиз туфайли панд еб қолишингиз ҳеч гап эмас. Ўзингизга қарама-қарши жинсдаги инсон билан муомалада ҳам ҳушёрликни йўқотманг. Душанба – сиз кутган кун.

**Газетамизнинг ўтган сонида чоп этилган:**

## Кроссворднинг жавоблари (6-бет):

**Энига:** 5. Коллоид. 6. Маршрут. 8. Амперметр. 11. Купер. 12. Комби. 13. Калит. 16. Мил. 18. Эллада. 19. Алёхин. 20. Йод. 24 Очерк. 25. Олимп. 26. Товус. 29. Контейнер. 30. Колхида. 31. Киплинг.

**Бўйига:** 1. Косинус. 2. Фирма. 3. Пахта. 4. Нуроний. 7. Урумчи. 9. "Металлург". 10. Қалдирғоч. 14. Уламо. 15. Пиёда. 16. Май. 17. Лад. 21. Офицер. 22. Учқулоч. 23. Ҳасайни. 27. Томди. 28. Бедил.

**Криптограмма**

**Очқич сўзлари:** 1. Жуманбулбул. 2. Беҳи. 3. Эман. 4. Қир. 5. Дўнг.

**Насиҳат:** Эрнинг қадри даражаси унинг ҳимматидан бўлади.

## Кроссворднинг жавоблари (11-бет):

**Энига:** 1. Илон. 3. Лаб. 5. Мис. 6. Алиф. 10. Етти. 12. Шоҳруҳ. 13. Таҳлил. 14. Ота. 15. Иена. 16. Ака. 17. Лото. 18. Олов. 20. "Умид". 23. Жазо. 26. Босс. 28. Тутанхамон. 32. Су. 33. Алла. 34. "Отайўл". 35. Исириқ. 36. Ризқ. 38. Ис. 43. Порцессуал. 45. Дарё. 46. Ноға. 48. Ялта. 51. Тонг. 52. Озод. 54. Оби. 56. Амма. 58. Тун. 59. Каунас. 60. Латифа. 61. Ипак. 62. Лира. 63. Аср. 64. Али. 65. Шарқ.

**Бўйига:** 1. "Илҳом". 2. Ойша. 4. Беҳи. 5. Мита. 7. Лола. 8. Фалак. 9. Ахлоқ. 11. Олмос. 19. Аза. 20. Улама. 21. Драма. 22. Лоф. 23. Жар. 24. Куз. 25. Кон. 27. Сиу. 29. Хеопс. 30. Иваси. 31. Херес. 32. Соқчи. 36. Рация. 37. Қисқа. 38. Ийд. 39. Ара. 40. Саф. 41. Юра. 42. Арк. 44. Бол. 47. Қомус. 49. Зобит. 50. Қотил. 53. Инжиқ. 55. Икар. 56. Асир. 57. Алка. 58. Тақа.

Тест

# “Истеъдодли болани тарбиялашни истайсизми?”

**- фарзандлари истеъдодли бўлган минглаб оилаларнинг тажрибаларини тўплаган Дэвид Льюиснинг маслаҳатларига қулоқ тутинг.**



- “Мен боламнинг барча саволларига иложи борича сабр билан ва тўғри жавоб бераман.
- Боланинг жиддий савол ва гапларини жиддий қабул қиламан.
- Мен бола ўз ишларини намойиш қилиши учун стенд ясаб қўйганман.
- Мен фарзандимни хонасини ёки столни ёйганлиги учун, агар бу ижодий машғулот билан боғлиқ бўлиб, иш ҳали тугатилмаган бўлса уришмайман.
- Мен фарзандимга алоҳида хонани ёки хонанинг бир қисмини машғулотлари учун ажратиб берганман.
- Мен фарзандимни эришган муваффақиятлари учун эмас, балки қандай бўлса шундайлигича яхши кўришимни кўрсатаман.
- Мен болага у қилиши мумкин бўлган ишларни топшираман.
- Мен фарзандимга турли ижтимоий ва маданий гуруҳлардаги болалар билан мулоқот қилишига ёрдам бераман.
- Мен унга ўз режаларини тузишига ва қарорлар қабул қилишига ёрдам бераман.
- Мен фарзандимни қизиқарли жойларга саёҳатга олиб бораман.
- Мен фарзандимга иши натижаларини яхшилашга ёрдам бераман.
- Мен ахлоқ меъёрларини белгилаб бераман ва бола унга риоя қилишини кузатиб тураман.
- Мен фарзандимга ҳеч қачон бошқалардан ёмонсан деб айтмайман.
- Мен фарзандимни китоблар ва яхши кўрган машғулотлари учун материаллар билан таъминлайман.
- Мен ҳеч қачон болани таҳқирлаш орқали жазоламайман.
- Мен фарзандимни мустақил фикрлашга ўргатаман.
- Мен фарзандимга уй ишларини ва саёҳатларни режалаштиришда иштирок этишига рухсат бераман.
- Мен унга китоб ўқиб берман.
- Мен фарзандимни кичик ёшиданоқ ўқишга ўргатаман.
- Мен фарзандимни турли ҳикоялар ўйлаб топишга ва ҳар хил нарсаларни фараз қилишга ўргатаман.
- Мен фарзандим кўпроқ билим олиши учун амалий тажрибалар ишлаб чиқаман.
- Мен фарзандимнинг шахсий талабларига эътибор бераман.
- Мен фарзандим билан ёлғиз қолишга ҳар куни вақт топаман.
- Мен фарзандимни йўл қўйган хатолари учун мазах қилмайман.
- Мен уни ёд олган шеърлари, ҳикоялари ва қўшиқлари учун мақтайман.
- Мен фарзандимга нисбатан бўлган ҳисларимини тўғри баҳолайман.
- Мен фарзандимни турли ёшдаги катталар билан мулоқот қилишга ўргатаман.
- Мен фарзандимга ҳар хил нарсалар билан ўйнашга рухсат бераман.
- Мен болани муаммоларни топишга, сўнгра уларни ечишга ундайман.
- Боланинг машғулотларида мақташга лойиқ жиҳатларини топаман.
- Мен уни бемаврид ва сунъий равишда мақтамайман.
- Фарзандим билан гаплашиш мумкин бўлмаган мавзулар йўқ деб ҳисоблайман.
- Мен фарзандимнинг муваффақиятсизликларига: “Мен ҳам буни билмайман”, - дея қўл силтамайман.
- Мен боланинг катталардан тамомила мустақил бўлишга ҳаракат қилишини қўллаб-қувватлайман.
- Мен фарзандимга ҳақиқатан ҳам мустақил қарор қабул қилишига имкон бераман.
- Мен фарзандим етук шахс бўлишига ёрдам бераман.
- Мен унга эътибор қаратишга лойиқ теледастурларни топишга ёрдам бераман.
- Мен фарзандимда ўз лаёқатини тўғри идрок этиш ҳиссини ривожлантираман.
- Мен боланинг тўғри фикр юритишига ишонаман.
- Мен натижа ўйлангандек чиқмаслигини билган тақдиримда ҳам бола бошлаган ишнинг асосий қисмини мустақил равишда бажаришига имкон бераман”.

***Агар сиз берилган маслаҳатларнинг 20% ига қўшилган бўлсангиз, қолганлари ҳақида ўйлаб кўришингиз керак. Лекин улар сизни тўлиқ ёки 90% га қониқтирса, тарбиявий ҳаракатларингизни сусайтиришни маслаҳат берамиз. Ўзингизга ҳам, фарзандингизга ҳам кўпроқ эркинлик беринг.***




Тузувчи Б.АЗИМОВ.

*“Tabassum”ning keyingi sahifalarida ko‘rishguncha xayr!*

# Янги иншоотлар – хизмат самарадорлигини ошириш учун

**Сурхондарё вилоят ИИБ раҳбарияти томонидан вилоят шаҳар ва туман ИИБ маъмурий бинолари, ДАН масканларида, таянч пунктларида, қурилиш, таъмирлаш ишларига ва бу орқали хизмат самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, жорий йил бошида ана шундай таъмирлаш ва қурилиш ишлари Шўрчи тумани, Термиз шаҳар ИИБларида амалга оширилди. Ушбу бўлимларда янги ДАН масканлари, таянч пунктлари қуриб битказилиб, маъмурий бинолар қайта таъмирланди.**



Куни кеча эса вилоятнинг Туркманистон билан чегара ҳудудида жойлашган Музрабод тумани ИИБга қарашли "Қоракамар" ДАН маскани қисқа вақт ичида қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилди. Масканнинг тантанали очилиш маросимида вилоят, туман ҳокимлиги, вилоят ва туман ИИБ раҳбарлари, ички ишлар фахрийлари, маҳалла фаоллари иштирок этишди. ДАН маскани тумандаги "Бешқўтон" қурилиш жамламасининг қўли гул бунёдкорлари томонидан барпо этилди. Маросимда қурилишда фаол иштирок этган қурувчиларга қимматбаҳо совғалар ва маскан учун вилоят ИИБ раҳбарияти томонидан янги "ДАМАС" автомашинаси ҳам берилди.

Шунингдек, яқинда Термиз шаҳрида вилоят ИИБ бўлими учун янги бино қуриб битказилиб, ушбу иншоот ҳам ўз фаолиятини бошлади. Ушбу маскан замонавий усулда жиҳозланган.

Айни пайтда вилоят ИИБ маъмурий биносида таъмирлаш ишлари қизғин давом этмоқда. Бошқарма ходимларини уй-жой билан таъминлаш мақсадида эса Термиз шаҳрининг 5-кичик даҳасида 48 хонадонга мўлжалланган янги кўп қаватли уй, бошқарма тиббий хизматининг янги стационар даволаш маскани ва Ангор туман ИИБда янги ДАН маскани қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Хуллас, бошқарма ходимларининг хизмат самарадорлигини ошириш мақсадида амалга оширилаётган бу бунёдкорлик ишлари вилоятда жиноятчиликка қарши курашда ва унинг олдини олишда ёрдам беришига шубҳа йўқ.

**Сафар АБДУВОҲИДОВ.**



**Халқимиз "Бир болага етти маҳалла ота-она" деган мақолни билиб айтган. Одамлар тотув бўлиб, ўғил-қизлар тарбиясига эътиборни кучайтирган жойда баркамол авлод вояга етади. Бу борада Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти томонидан жойларда учрашув ва суҳбатлар ташкил этилиб, ёшлар дунёқараши шакллантириб борилаётгани катта аҳамият касб этмоқда.**

# ТОТУВЛИКНИНГ ТОТЛИ МЕВАСИ

Яқинда Бўстонлиқ туманидаги Озодбош қишлоғида бўлиб ўтган йиғилишда ҳам ҳаётимизда муҳим ўрин тутаётган ана шу омил ҳусусида фикр юритилди. Тошкент вилояти ҳокимлиги ва ички ишлар бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбирда республика ва Тошкент вилояти маънавият ва маърифат маркази раҳбарлари, вилоят ИИБ ЖООБ ходимлари, Бўстонлиқ тумани ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби, маҳаллалар фаоллари, 6-мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилар иштирок этишди.

Йиғилишда ота-оналар, маҳаллалар аҳли ва халқ таълими ходимлари олдида турган долзарб масалалар, хусусан, ёшларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, уларнинг ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этиши, диний-экстремистик оқимлар таъсирига берилиб қолишига йўл қўймаслик ҳақида гап борди. Қишлоқ фуқаролари А.Каримов, А. Жонибеков ва бошқалар сўзга чиқиб, ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Учрашув чоғида республика маънавият ва маърифат маркази раисининг муовини Р. Шералиев, вилоят маърифат ва маънавият марказининг раҳбари С. Қурбонқулов, туман ҳокимининг муовини К. Мирзамуротов, туман бош имом-хатиби Ҳошимжон ҳожи, вилоят ИИБ ЖООБ раҳбарлари йиғилиш иштирокчиларининг саволларига жавоб қайтардилар.

**О. СОТИМОВ,**
*милиция подполковниги.*

# Тантанали кузатув

Юртимизда Ватан учун, халқ учун хизмат қилганларнинг номлари доим ардоқда, ўзлари ҳурмат-эътиборда. Айниқса, ички ишлар идораларида кўп йиллар ишлаб ўз истеъдоди, малака ва маҳоратини халқ фаровонлиги ва осойишталиги йўлига бахшида этиб, фахрийлик ёшига етганларнинг иззат-икроми ўзгача. Яқинда Хоразм вилояти ички ишлар бошқармасида бир гуруҳ ходимларни нафақага тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Чунончи, милиция полковниклари Исматулла Негматов, Раҳимбой Сафаров, милиция подполковниги Олимбой Қурбонов, ички хизмат подполковниги Отабой Отажонов, милиция катта лейтенанти Ражаббой Раҳмоновлар ана шундай ҳурмат-эътиборга сазовор бўлдилар.

Тантанада вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Аминбой Бобожонов фахрийларни қутлаб, уларга сарполар кийгизди.

**Х. ЖАББОРОВ.**

# Қўшиқларда Ватан мадҳи

**Пойтахт вилояти ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида анъанавий "Қўшиқ байрами" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда вилоят шаҳар ва туманларида аввалроқ ўтказилган кўрик-танловларнинг ғолиблари ўзаро беллашдилар.**

Ўртачирчиқ туман ИИБнинг шинам залида ўтказилган ушбу тадбирда ўз санъатларини намойиш қилган тўққизта ички ишлар ходимларининг санъатини Ҳамза номли театр актёри, Ўзбекистон халқ артисти С. Умаров, А. Навоий номли Ўзбек Давлат Академик опера ва балет катта театрининг солисти, республикада хизмат кўрсатган артист П. Мустафоев ва бошқалардан иборат жюри ҳайъати баҳолади.

– Ғолибларни танлашда уларнинг фақат қўшиқ айтиш санъатларига эмас, ижро этган қўшиқларининг мавзусига ҳам алоҳида эътибор бердик, – дейди жюри аъзоси, вилоят ИИБ ШТБИХ бўлим бошлиғи, милиция полковниги М. Собиров. – Ватанпарварлик, Ватанга, хизмат бурчига содиқлик ҳақидаги қўшиқлар, айниқса юқори баҳоланди.

Танловда "Келажаги буюк юрт ўғлонларимиз" қўшиғини ижро этган жазони ижро этиш муассасаси ходими, ички хизмат кичик сержанти Р. Мамажонов ғолиб деб топилди. Олмалиқ ИИБ паспорт бўлинмаси ходими, милиция катта лейтенанти А. Абдиқулов "Ўзбекистон — барчамизга Ватандир" қўшиғи билан иккинчи, Бекобод шаҳар ИИБ навбатчиси, милиция майори У. Қўшматов "Меҳмондир" қўшиғини ижро этиб, учинчи ўринга сазовор бўлдилар.

Танлов ғолибларига мукофотлар берилди.

**А. АҲМЕДОВА.**

**Тадбиркорлар ва фермерлар манфаатларини ҳимоя қилиш ички ишлар идоралари ходимларининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Шу боис, Республика ички ишлар идоралари ходимлари тадбиркорлар ва фермерларга тажовуз қилаётган, уларнинг мол-мулкини ўғирлашга интилаётган кишиларнинг қилмишларини фош этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.**

# Бировники бировга буюрмайди

Яқинда Қоровулбозор тумани "Дўстлик" жамоа хўжалигида яшовчи фермер М. Исмоилов оғилхонасидан кечаси ўн бош қорамолини ўғирлаб кетишганлиги ҳақида туман ички ишлар бўлимига мурожаат қилиб келган эди. Орадан кўп ўтмай туман ички ишлар ходимлари ўғриларни аниқлаб, молларни эгасига қайтаришди.

Маълум бўлишича, Муборак туманида яшовчи Содиқ Ҳамроқулов ўғли Ғафур ва яна икки жиноий шериги билан ушбу молларни тунда қоровулнинг ухлаб ётганидан фойдаланиб, ўғирлаб кетишган ва ҳатто қишлоқдошларига арзон-гаровга сотиб улгуришган ҳам экан.

Ёши бир жойга бориб қолган қариянинг болаларим ўғирлик айб бўлади, дейиш ўрнига уларга ўзи бош бўлгани кишини таажжубга солади.

Яккасарой туманида яшовчи хусусий тадбиркор Б. Ғафуров ҳам ички ишлар ходимларига мурожаат қилиб, "Офтоб нури" хизмат кўрсатиш фирмаси таъсисчиси О. Саидибрагимов унга хусусий фирма очиб беришини ваъда қилиб, бунинг эвазига 100 минг сўм пул беришини талаб қилаётганлигини маълум қилади.

"Офтоб нури" фирмасининг бир тутам нурини ҳам текинга бермай ўрганган, ҳатто ҳожатбарорлигини ҳам пул эвазига бажарадиган таъмагирнинг бу галги тадбири чаппа кетди. Ички ишлар ходимлари уни айнан пулни санаб олаётганда ушлашди.

Жиззах вилояти ички ишлар ходимлари эса куппа-кундуз куни бир тадбиркорни дўқ-пўписа билан қўрқитиб, унинг кундуз телпаги, 40 минг сўм пули ва фирмасининг муҳрини тортиб олган зўравонни қўлга олдилар.

Бировники бировга буюрмайди деганларидек Ҳ. Носиров жамоа хўжалигида яшовчи "Анора ая" фирмаси бошлиғи Ш. Эргашевнинг телпаги ва пуллари ҳам зўравон Э. Солиевга буюрмади.

**Шуҳрат РЎЗИЕВ,**
*ИИВ Матбуот маркази катта инспектори.*

# Рақамлар сўзлаганда

**Йўл-транспорт ҳодисаларини мунтазам таҳлил қилиб бориш фойдали хулосалар чиқаришга ёрдам беради. Масалан, қуйидаги фактларга эътибор қилинг-а. Жорий йилнинг биринчи чорагида Навоий вилоятида жами 39 ЙТҲ содир этилган. Улардан 35 таси шахсий транспорт воситалари иштирокида юз берган. Шундан 28 тасида бевосита улар айбдор бўлган.**

Демак, шахсий транспорт эгаларининг аксари шофёрлик курсини битириб, ҳайдовчилик гувоҳномасини қўлга киритгач, ўз маҳорати, билимини ошириш устида ишламайди. Рақамлар шуни кўрсатяпти.

Турлар бўйича таҳлил қилинадиган бўлса, энг кўпини (16) пиёдаларни уриб кетиш ташкил этади. Жами ЙТҲда 8 киши ҳалок бўлган бўлса, улардан 6 нафари айнан пиёдалардир. Шу ўринда 11 йўл-транспорт ҳодисаси уларнинг айби билан юз берганини ҳам таъкидлаб ўтиш керак. Хулоса ҳам оддийгина: ҳурматли пиёдалар, йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини пухта ўзлаштириб, уларга қатъий амал қилинг.



А. МИРЗАМУҲАМЕДОВ олган сурат.

Энди ҳайдовчиларнинг малакаси устида тўхталсак. Ҳодисаларнинг энг кўпини 2 йилдан 5 йилгача (11), 6 йилдан 10 йилгача (7) ва 11 йилдан 15 йилгача (5) тажрибага эга бўлганлар содир этган. Яъни, малака ошган сайин, эҳтиёткорлик ҳам ошган. Ўттиз йил ва ундан ошиқ ҳайдовчилик тажрибасига эга бўлганлар эса бирорта ҳам ЙТҲ содир этишмабди. Ана шунақа.

Ҳафта кунлари ва кун соатлари бўйича кузатишлар ҳам диққатта молик томонларни аниқлашга ёрдам беради. Ҳайдовчилар, айниқса, якшанба куни ҳушёрликларини оширишлари лозим экан. Вилоятда жами содир этилган ЙТҲнинг 20% (8) айни шу кунга тўғри келади. Бу, балки кўпчиликнинг бозор-ўчарга бориши, эҳтимол, дам олиш деб ҳушёрликни қўлдан бериши билан боғлиқдир. Сутканинг кечки етти-тўққиз оралиғи энг хавфли пайт ҳисобланр экан. Бунга кўпроқ ишдан кейин аксар ҳайдовчиларнинг чарчаши, уйга шошиши, қатновнинг кўпайиши сабаб бўлар.

Аммо бу автотранспорт бошқарувчиларни оқлаш эмас, аксинча уларнинг эътиборини қаратишдир. Умумий хулоса эса битта, киши йўлда кетяптими, машина бошқаряптими – ҳафтанинг қайси куни, сутканинг қайси маҳали бўлишидан қатъи назар ҳушёрлигини йўқотишга ҳаққи йўқ. Чунки нафақат ўз ҳаёти, тақдири, балки бошқа йўл ҳаракати иштирокчиларининг хавфсизлиги ҳам уларга боғлиқ бўлади.

**Валижон АШУРОВ,**
*милиция катта лейтенанти.*

Ҳуқуқий билимимизни оширамиз

# Ўзбекистон фуқаролиги тўғрисида

**Таҳририятга пойтахтнинг Мирзо Улуғбек туманида яшовчи Г. Абдуллаева мактуб йўллаб, бир масалани ойдинлаштиришда ёрдам беришимизни илтимос қилди. Хат мазмунидан муаллиф республикамиз ҳудудига 1993 йилда келган ва меҳнат фаолияти юритган. Аммо унга фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси берилган.**

**Хўш, Гулнора энди нима қилиши керак? Ушбу саволга жавоб беришни республика ИИВ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бошқармаси паспорт бўлими бошлиғи, милиция подполковниги А. Уляшин ва унинг муовини, милиция подполковниги Ф. Тошпўлатовдан илтимос қилдик.**



– Аввало шуни айтиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги Қонунининг 4-моддасига кўра қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўладилар:

1) келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий ҳолатидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тили, сиёсий қарашлари, диний эътиқоди, машғулотининг тури ва савиясидан қатъи назар, ушбу Қонун кучга кирган вақтда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган, бошқа давлатларнинг фуқаролари бўлмаган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахслар (Гулнора республика ҳудудига Қонун кучга киргандан кейин орадан бир йил ўтгач келган);

2) давлат йўлланмаси билан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ишлаётган, ҳарбий хизматни ўтаётган ёки ўқиётган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида туғилган бўлсалар ёки доимий яшаганликларини исбот қилган бўлсалар, бошқа давлатларнинг фуқаролари бўлмасалар ва ушбу Қонун кучга кирганидан кейин кечи билан бир йил ичида Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган бўлсалар. Афсуски, Гулнора ушбу муддат ўтгандан кейин келган.

Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 20 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Низомни эълон қилиш тўғрисида"ги Фармонига биноан шахсни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш унинг келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий ҳолати, ирқи ва миллати, жинси, маълумоти, сиёсий эътиқоди, динга муносабати, машғулотининг тури ва савиясидан қатъи назар "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги Қонун кучга кирган вақтда, яъни 1992 йил 28 июлда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган бўлса ва бошқа давлатларнинг фуқароси бўлмаса, рўйхатга олиш орқали амалга оширилади.

Доимий яшаш далили фуқаро паспортига доимий яшаш рўйхатга олинганлиги тўғрисида белги қўйиш орқали ифодаланади.

Агар шахс: Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик ишлатиб ўзгартиришни ёқлаб чиқаётган бўлса; фаолияти Ўзбекистон Республикасининг конституциявий принципларига зид бўлган партиялар ва ўзга ташкилотларга аъзо бўлса; Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ жазоланадиган хатти-ҳаракатлар учун озодликдан маҳрум этилган ва жазони ўтаётган бўлса, унинг Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш тўғрисидаги илтимосномаси рад этилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган хорижий фуқаро ва фуқаролиги бўлмаган шахс, ушбу ҳолатда Абдуллаева, доимий яшаш жойидаги ички ишлар идорасига мурожаат қилиши ва "Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг I-бандига биноан қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши зарур:

Ўзбекистон Республикаси Президенти номига Ўзбекистон Республикасининг конституциясини тан олиши ва унинг талабларини бажариши ҳамда чет эл фуқаролигидан воз кечиши кўрсатилган ариза.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

икки нусхада анкета- ариза;

чет эл фуқаролигидан чиққанлиги ҳақида гувоҳлик берувчи ҳужжат (фуқаролиги бўлмаган шахслардан ташқари);

икки нусхада таржимаи ҳол;

қонуний тирикчилик манбалари (иш жойидан маълумотнома ёки унинг ўрнини босадиган, ойлик маоши кўрсатилган бошқа ҳужжат — пенсиялар, болалар нафақаси, дивидентлар ва ҳоказолар) мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат;

рангли ёки оқ-қора тасвирдаги 35х45 мм. ҳажмдаги 4 дона сурат;

турар жойдан икки нусхада оила аъзолари кўрсатилган маълумотнома;

давлат пошлинаси тўланганлиги ёки уни тўлашдан озод этилгани (ойлик маошининг икки минимал миқдори) тўғрисидаги ҳужжат.

Бир неча оғиз сўз қабул қилиш шартлари хусусида. "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги Қонуннинг 17–моддасига кўра Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш шартлари қуйидагилардан иборат:

чет эл фуқаролигидан воз кечиш;

сўнгги беш йил давомида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшашлик;

қонуний тирикчилик манбаларининг мавжудлиги;

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тан олиш ва бажариш.

Пойтахтимизда истиқомат қилувчи фуқаро Г. Мартиросян эса таҳририятга паспорт ким томонидан ва қандай ҳолатларда олиб қўйилиши мумкин, деган савол билан мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра 1999 йил 26 февралда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикаси паспорт тизими тўғрисида"ги Низомнинг 22–бандига мувофиқ қамоққа олинган, шунингдек, озодликдан маҳрумликка, қамоқ жазосига маҳкум этилган шахслар паспорт суриштирув, дастлабки тергов органлари ёки суд томонидан олиб қўйилади. Қамоқдан озод қилингандан ёки жазони ўтаб бўлганидан сўнг паспорт эгасига қайтарилади.

Мазкур Низомнинг 23–бандида эса Низомнинг 22-бандида кўзда тутилган ҳоллардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспортини олиб қўйиш, шунингдек, паспортни гаровга ва бошқа мажбуриятларни таъминлаш мақсадида қолдириш ва олиб қолиш тақиқланиши белгилаб қўйилган.

**Хат муаллифлари ўзларини қизиқтирган барча масалалар бўйича тегишли жавоб олдилар, деб ўйлаймиз. Келгусида ҳам муштарийларимизнинг илтимосини қондиришга ҳаракат қиламиз.**

# ЧЕРНОБИЛДА БЎЛГАНЛАР УЧУН ҲУҚУҚ ВА ИМТИЁЗЛАР

**II. Чернобиль АЭСдаги зарарланган зоналарда ҳалокат оқибатларини тугатиш қатнашчиларига компенсациялар ва имтиёзлар бериш**

1986-1987 йилларда Чернобиль ҳалокати оқибатларини тугатиш бўйича зарарланган зонада ишлаган ёки шу йиллар давомида АЭСдан фойдаланиш ва бошқа юмушларни бажарган (шу жумладан, вақтинча ишга юборилган ёки хизмат сафарига жўнатилган) шахслар, шунингдек, жойлашиш ўрни ва бажараётган вазифасидан қатъи назар, махсус йиғинларга чақирилган ва ҳалокат оқибатларини тугатиш билан боғлиқ бу даврдаги ишларни бажаришга жалб қилинган ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мажбуриятли шахслар, шунингдек, 1986-1987 йилларда зарарланган зонада хизмат вазифасини ўтаган ички ишлар органларининг бошлиқлар ва оддий таркибидаги шахслар юқорида санаб ўтилган 2, 3, 6,7, 12, 14, 16, 18, 20-24-бандларида кўрсатилган компенсация ва имтиёзларга, шунингдек, қуйидаги ҳуқуқларга эга бўладилар:

1) ўта зарарли ва ўта оғир шароитдаги меҳнат билан машғул бўлган ходимлар учун қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ назарда тутилган имтиёзли шартларда қарилик пенсиясига қуйидагилар чиқади:

эркаклар – 50 ёшга тўлиб, зарарланган зонада қанча вақт ишлаганидан қатъи назар, камида 20 йиллик иш стажига эга бўлса;

аёллар – 45 ёшга тўлиб, зарарланган зонада қанча вақт ишлаганидан қатъи назар, камида 15 йиллик иш стажига эга бўлса;

қарилик пенсиясига қўшимча равишда қарилик пенсияси энг кам миқдорининг 30 фоизи ҳажмида устама олиш;

2) олаётган иш ҳақи (даромад)ни ҳисобга олмасдан қарилик пенсиясини тўла миқдорда олиш;

3) иш жойидан ҳар йили санаторий-курорт ёки бошқа соғломлаштириш муассасасига бориш учун (медицина кўрсатмалари бўлганда) биринчи навбатда текин йўлланма билан таъминлаш;

4) яшаш шароитларини яхшилаш зарур деб топилса, биринчи навбатда уй-жой билан таъминлаш;

5) ҳамма турдаги шаҳар йўловчи ташиш транспорти (таксидан ташқари)да ва ўзи яшайдиган қишлоқ жойлардаги умумий фойдаланадиган автотранспорт (таксидан бошқа)да, маъмурий районда, шунингдек, шаҳар атрофида қатнайдиган темир йўл ва шаҳар ташқарисидаги маршрутларда қатновчи автобусда бепул юриш;

6) якка тартибда ва кооператив уй-жой қурилишига фоизсиз қарз (ссуда) олиш.

**III. 1988-1989 йилларда Чернобиль ҳалокати оқибатларини тугатиш бўйича зарарланган зонада ишлаган ёки шу йиллар давомида АЭСдан фойдаланиш ва бошқа юмушларни бажарган (шу жумладан, вақтинча ишга юборилган ёки хизмат сафарига жўнатилган) шахслар, шунингдек, жойлашиш ўрни ва бажараётган вазифасидан қатъи назар, махсус йиғинларга чақирилган ва ҳалокат оқибатларини тугатиш билан боғлиқ бу даврдаги ишларни бажаришга жалб қилинган ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мажбуриятли шахслар, шунингдек, 1988-1989 йилларда зарарланган зонада хизмат вазифасини ўтаган ички ишлар органларининг бошлиқлар ва оддий таркибидаги шахслар** П бўлимнинг 3, 8, 20-24-бандларида, мазкур бўлимнинг биринчи қисми 2-бандида назарда тутилган компенсация ва имтиёзларга эга бўлиш ҳуқуқига эгадирлар ва шу билан бирга:

1) қонунларда кўрсатилган зарарли ва оғир меҳнат шароитидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун назарда тутилган 1989 йил Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатларини тугатиш ишларида иштирок этган шахслардан ташқари, имтиёзли шартларда қуйидаги қарилик пенсиясини олиш:

эркаклар – 55 ёшга тўлиб, зарарланган зонада қанча вақт ишлаганидан қатъи назар, камида 25 йиллик иш стажига эга бўлса;

аёллар – 50 ёшга тўлиб, зарарланган зонада қанча вақт ишлаганидан қатъи назар, камида 20 йиллик иш стажига эга бўлса;

2) энг кам миқдордаги қарилик пенсиясининг 25 фоизи миқдорида пенсияга қўшимча олиш;

3) ҳар йилги таътилдан ўзлари учун қулай бўлган исталган вақтда фойдаланиш;

4) иш жойидан ҳар йили санаторий-курортларда даволаниш ва дам олиш учун йўлланмалар билан таъминланиш;

5) гараж-қурилиш кооперативлари ва боғдорчилик ширкатларига имтиёзли равишда кириш;

6) эгаллаб турган турар жой майдонининг ҳажмидан қатъи назар коммунал уйларда истиқомат қилувчи фуқаролар учун уй-жой ҳисобига қабул қилиниш;

7) озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилишнинг оқилона нормаларга мувофиқ озиқ-овқат моллари билан таъминланиш каби ҳуқуқларга эгадирлар.

(Охири. Боши ўтган сонларда).

# Жисмоний шахсларга имтиёзлар

***Жисмоний шахсларнинг солиқ солинмайдиган даромад турлари ҳақида.***

с) фуқароларнинг иш ҳақи ва солиқ солинадиган бошқа даромадларнинг давлат корхоналари мол-мулкини сотиб олиш, хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларини сотиб олиш, "Ўзуйжойжамғармабанк"нинг шахси кўрсатилган уй-жой облигацияларини харид қилишга ва шу мақсадлар учун берилган кредитларни узишга йўналтирилган суммалари, шунингдек, акциялар бўйича олинган ҳамда дивиденд тўлаган акциядорлик жамиятининг акцияларини сотиб олишга йўналтириладиган дивидендлар. Мазкур мол-мулк сотилганида илгари солиқ солишдан озод қилинган даромадларга умумий асосларда солиқ солинади;

т) патент эгаси бўлган жисмоний шахснинг (лицензиарнинг) саноат мулки объектларидан ўз ишлаб чиқаришида фойдаланишдан ёки фойдаланиш бошланган санадан эътиборан амал қилиш муддати доирасида уларга лицензиялар сотишдан, шунингдек лицензиат саноат мулки объектларидан фойдалана бошлаган санадан эътиборан ушбу фойдаланишдан олган даромади суммаси:

ихтиролар ва селекция ютуғидан патент бўйича – беш йил давомида;

ихтиролардан дастлабки патент бўйича фойдаланишдан – уч йил давомида;

селекция ютуғидан гувоҳнома бўйича – уч йил давомида;

саноат намунасидан патент бўйича – уч йил давомида;

саноат намунасидан дастлабки патент бўйича – икки йил давомида;

фойдали моделдан гувоҳнома бўйича – икки йил давомида;

у) болалар лагерлари ва бошқа соғломлаштириш лагерларига, ота-оналарнинг болалари билан дам олишига махсус мўлжалланган санаторий-курорт муассасаларига бориш учун болалар ва ўсмирларга бериладиган йўлланмалар қийматини, шунингдек, ўз ходимларининг амбулатория ёки стационар тиббий хизматдан фойдаланиш қийматини тўлиқ ёки қисман компенсациялаш тартибида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўз ходимларига ёки улар учун тўлаган суммалар. Кўрсатиб ўтилган тўловлар жумласига ногиронларнинг соғломлаштириш ва санаторий-курорт муассасаларига берилган йўлланмалари қийматини, даволаниш ва тиббий хизматдан фойдаланиш, ногиронликнинг олдини олиш мақсадида техника воситалари сотиб олиш учун ҳамда ногиронларнинг саломатлигини тиклаш учун қилинган харажатларни тўлиқ ёки қисман тўлаш тартибида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар тўлаган суммалар ҳам киради;

ф) амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган нормалар доирасидаги товон тўловлари, меҳнат шартномасини бекор қилиш пайтида фойдаланилмаган таътил учун бериладиган товонлар бундан мустасно.

**С. ГАИРОВ,**
*милиция подполковниги.*

(Охири. Боши ўтган сонда).

***Саҳифа материаллари ИИВ Ҳуқуқий таъминлаш ва оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш бошқармаси ҳамкорлигида тайёрланди.***

# Ака уканинг қотили

Александр Борисов укаси Константин ва Геннадий Киргизовлар билан Қарши шаҳридаги "Фарангиз" хусусий фирмасида ишлашади. Улар навбатдаги ойлик маошларини олишгач, жуда хурсанд бўлишди. Уч қадрдон чўнтаги қаппайганидан оғзи қулоғида бўлиб, кўчага чиқишди. Кечқурун спиртли ичимлик истеъмол қилишди. Кайфи ошган Александр укасига хонадоннинг коммунал хизмат ҳақини тўла, деб буюрди. Аслида Константин укаси билан, Александр эса онаси билан алоҳида яшашади. Бир пайт ширакайф ака-ука сансирашиб жанжаллашиб қолишди. Александрнинг ҳақоратларидан ғазабланган Константин акасининг чаккасига икки бор мушт тушириб, қулатди. Сўнг кўчага отилди. Қуюшқондан чиққан Александр қўлига пичоқ олиб, укаси ортидан югурди. Укасига етиб олиб, кўкрагига пичоқ урди. Бир зумда "Тез ёрдам" етиб келди. Афсуски, Константин кўп қон йўқотиб, воқеа жойида жон берди. Александр ҳибсга олинди.

— Суд музокараси давомида ҳолат чуқур таҳлил қилинди, — дейди вилоят суди судьяси Р. Вакилов. — Ака-ука тарбияланган оила муҳитида меҳр-оқибат етишмайди. Уларнинг онаси Анна Алексеевнанинг таъкидлашича, Александр муқаддам судланган, бўлар-бўлмасга жанжал чиқаради.

Оила — тарбия ўчоғи. Бу даргоҳнинг мураббийси-чи? Фарзандларининг спиртли ичимлик ичиб юришидан сергак тортмади. Уларни ҳушёр пайтида тартибга чақирмади. Оқибатда бу оилада иноқлик, иттифоқлик, бирор муаммони ўзаро маслаҳат йўли билан ечиш каби лар кўзга чалинмади. Ўртада ука жанжал қурбони бўлди, ака эса узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди. Албатта, бу ерда гап суд ҳукмида эмас. Бир оила фожиаси барчага сабоқ бўлиши керак.

**Ў. ҲАЙДАРОВ.**

## Жиноят ва жазо

# Баҳриддинбой пулни қувди ва...

**Ҳар кимнинг феъли ҳар хил. Биров гулни, иккинчиси пулни севаркан. Шерободлик Х. Баҳриддинбойнинг ҳам пулга ишқи тушиб, охир-оқибат юрар йўлини йўқотиб қўйди.**

Х. Баҳриддин 53 ёшда. Шеробод туман марказий шифохонаси тиббий кўрик комиссияси раиси... эди. Лекин у шайтоннинг васвасасига учиб, эл ичида шарманда бўлди. Баҳриддин қўлига мўмай пул тушмаган кунлари ҳаловатини йўқотарди. Мадад сўраган беморга ёрдам бериш ўрнига, ундан пул ундиришни ўйлар, тақдир тақозоси билан ногирон бўлиб қолганларни нафақага чиқарганлиги учун тама қиларди. Одамлар ҳам мажбуран унга топган-тутганларини берадиган бўлдилар. Чорбоғ қишлоғида истиқомат қилувчи П. Ғаффоров 13 ёшли ногирон қизи Зилолани нафақага чиқариш учун Х. Баҳриддиннинг ҳузурига олиб келди. Комиссия раиси ногиронликни расмийлаштириш қуруққа бўлмаслигини қизнинг отасига "эслатиб" қўйганди. Шунга кўра П. Ғаффоров комиссия раисига 20 минг сўм берадиган бўлди. Ана шу мўмай пулни санаб олаётганида Баҳриддинбойни ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари қўлга олишди.

Баҳриддиннинг қўлга тушганидан одамлар хафа бўлишмади. Лекин шу ўринда бир нарсани айтмасак бўлмас. Баҳриддин осмондан тушибоқ тамагирга айлангани йўқ. Уни бадхулқ одамга айланишини теваракдагилар кўриб-билиб, кузатиб туришди. Лекин ҳеч ким унинг мушугини "пишт" демади, дея олмади...

**М. РАҲИМОВА,**
*Сурхондарё вилояти ИИБ.*

# Бедарак йўқолган

**Қибрай тумани ИИБ томонидан қуйидаги фуқаролар бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда.**



**Дилором Асадовна САЙДУЛЛАЕВА.** 1965 йилда туғилган. Қибрай тумани Матқобулов ҚФЙ А. Соатов кўчаси 6-уйда яшаган. 2001 йил 20 март куни уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 165-170 см, ўртача гавдали, сочи узун, қошлари сарғиш, ёйсимон, бурни катта, лаби қалин.

**Алоҳида белгилари:** юзининг чап томонида куйгандан қолган чандиқ бор, руҳий касал.



**Муҳтабар Муҳамедовна АБДУЛҚОСИМОВА.** 1951 йилда туғилган. Қибрай тумани Байтқўрғон ҚФЙ Навоий кўчаси 51-уйда яшаган. 2000 йил 5 январь куни фарзандлари 1986 йилда туғилган Ҳасан ва Зуҳрани олиб уйидан чиқиб кетган ва қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 155-160 см, ўртача гавдали, қиррабурун, қошлари сийрак, ёйсимон, кўзлари қора, лаби ингичка.

**Юқорида номлари қайд этилган фуқароларни кўрган ва қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.**

# Ароқни деб...

**Рим донишманди Цицерон "Одам кўпинча ўзига-ўзи ашаддий душманлик қилади", дея шунчаки ёзмаганди. Оёғи остидан нарини кўролмайдиган баъзи беғам кимсалар эртанги кун учун бош қотиришни ўзларига эп кўрмайдилар. Уларга эртанги кун у ёқда турсин шу бугуннинг ўзи омонатдек туюлади.**

Ҳазорасп туманида яшовчи Эркинбой О. ҳам ўша тоифадаги кимсалардан бири. У икки-уч марта қадаҳ кўтаргач, меҳмондорчиликка бирга борган турмуш ўртоғи ҳамда ўғлини унутди. Гурунг қизиган сайин, ичкилик ҳам авжига чиқди. Вақт алламаҳал бўлиб қолганда Анор турмуш ўртоғини ташқарига чақирди. Эркинбой меҳмонлар билан яна "қиттак-қиттак" олдида, ҳовлига шошилди. У миниб келган "Урал" мотоцикли ёнида турмуш ўртоғи ҳамда уйқули кўзларини ишқалаганча ўғли Қувончбек турарди. Мезбонлар билан хайрлашган Эркинбой хотини ҳамда ўғлини кажавага жойлаштириб мотоциклни ўт олдирди. Йўлнинг ўнқир-чўнқирлигини ўйламай, мотоциклга газ босди. Эркинбой йўл белгиларини ҳам унутди. Натижада катта тезликда келаётган мотоцикл йўл чеккасидаги заҳкашга ағдарилди. Эндигина 30 ёшга тўлган Анор ҳамда 6 яшар ўғли Қувончбек воқеа жойида ҳаётдан кўз юмди. Эркинбой шундагина ўзига келди ва бошини чангаллаганича дод-фарёд солди. Афсуски, энди кеч бўлганди. Буни пиёлага солинган заҳри қотилни қўлга олмасдан бурун ўйлаши керак эди.

Ароқ касофати туфайли икки қадрдонидан айрилган ҳазорасплик Эркинбой О. қилмишига яраша жавоб беради.

**М. ҚИЛИЧЕВ,**
*милиция капитани.*

# Алихўжани кўрганлар борми?



**Қибрай тумани ИИБ томонидан Алихўжа Рустамович АБДУЛЛАХЎЖАЕВ қидирилмоқда.** 1987 йилда туғилган. Қибрай тумани Матқобулов ҚФЙ Қорамурт кўчаси 127-уйда яшаган. 2001 йил 16 апрель куни уйидан чиқиб кетиб, бедарак йўқолган.

**Белгилари:** бўйи 130–140 см, гавдаси кичкина, қоши қалин, туташган, кўзлари, сочлари қора, лаби ингичка.

**Кийимлари:** эгнида сариқ рангли спорт костюми, ҳаво рангли жинси шим, оёғида қора кроссовка бўлган.

**Алихўжани кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.**

# Шахси аниқланмоқда

**2001 йилнинг 26 февраль куни Гулистон давлат университети ва Дўстлик канали оралиғидаги юқори кучланишли электр токи ўтган темир устунининг пастки уланган қисмидан тахминан 30-35 ёшлардаги Осиё миллатига мансуб номаълум эркак кишининг электр токидан қўл ва оёқлари ўта куйган ҳолатдаги жасади топилган.**

**Белгилари:** бўйи 170-175 см, ўртача гавдали, сочи қора, юзи юмалоқ.

**Кийимлари:** эгнида сарғиш рангли эркаклар камзули, қора гулли кўйлак, кўк рангли майка, қора рангли спорт шими, оёғида оқ рангли, усти тўрсимон туфлиси бўлган.

**Номаълум шахсни билган ва танiганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.**

## Чет эл детективи

Флора ФЛЭТЧЕР

# Аср пайтидаги қотиллик



— Бу ёғи қизиқ бўлди-ку! Сизга ғалати туюлмаяптими?

— Энди йўқ. Аксинча, оқилона иш тутган эканмиз.

— Демак, сизлар бир-бирларингизнинг фойдангизга гувоҳлик қилишларингизни олдиндан билган экансизлар-да?

— Тўғрисини айтганда, бу фикр Давиддан чиқди. Биз дарҳол бу ерда бир сир борлигини фаҳмладик. Кейин у ҳар эҳтимолга қарши эҳтиёт чораларини кўриб қўйишни таклиф қилди.

— Ўн етти ёшли йигитча учун бу ҳаддан ташқари эҳтиёткорлик бўлиб туюлмаяптими сизга? Унинг калласига бу фикр келишига нима туртки бўлган экан?

— Охиригача очиқчасига гаплашсак, Давид билан отаси ўртасида муносабат анчайин совуқ эди. Шунинг учун ҳам у ўзини шубҳадан холи қилиш мақсадида шундай йўл тутган бўлса керак.

— Давид жуда узоқни кўра билар экан. Бу ёшдагилар учун хос эмас десаммикан.

— Ҳа, у жуда ақлли йигит, — тасдиқлади Блай.

— Нега отаси билан оралари бузилган? Ёки Давид бевошроқми, гапга кирмай қўйганми?

— Йўқ, аксинча...

— Аксинча? Демоқчисизки, отаси бевошми?

— Йўғ-е, сиз мени нотўғри тушундингиз.

— Унда, балки, аниқроқ тушунтирарсиз.

— У айтмоқчики, — гапга аралашди доктор, — Фил Стайн ўлгудай бефаҳм, қайсар, ўжар киши эди. У ўзининг қовоқбошига сиғмаган ҳаётий вазиятларни ҳазм қила олмасди. Маълумотингиз учун, мен уларнинг оилавий шифокори эдим. Шунинг учун вазиятни биламан. Йигитча пианиночи ёки бастакор бўлишни орзу қиларди.

— Жуда қобилиятли, — қўшилишди Блай. — Тиришқоқ, меҳнаткаш: пианинода соатлаб машқ қилиши менга ҳам эшитилиб турарди.

— Тушунмадим, — ҳайрон бўлди Маркус, — йигитча санъаткор бўлишни истаса нима қипти?

— Ҳамма гап шунда-да. Қайсар ота Давиднинг консерваторияга киришини истамас эди. У ўғлига учта шарт қўйганди. Коллежга кириб молияни, иш бошқарувчиликни ўрганиш, қисқаси — бизнес. Уйда қолиб Стайннинг агентлигида ишлаш. Ёки бўлмасам ўзи истаган ўқишга кириб, уйдан чиқиб кетиш, вассалом. Мусиқа билан боғлиқ ҳеч қанақа харажатга бир чақа ҳам бермаслигини у Давидга айтган эди.

Демак, сизлар бир-бирларингизнинг фойдангизга гувоҳлик қилишларингизни олдиндан билган экансизлар-да?

— Ана энди тушунарли, — чўзиб гапирди Маркус. — Ниҳоят бугундан отаси Давиднинг йўлига тўғаноқ бўлмас экан-да.

Кейин у тўсатдан Фуллерга ўгрилиб:

— Мен бориб йигитча ва онасининг суҳбатини олай. Сиз эса ўт ўргични гаражга олиб бориб, мени ўша ерда кутинг, — деди.

Сержантга лейтенантнинг гап оҳангида кибр бордек туюлиб, ичдан ижирғанди. Кейин лейтенант Кейнга юзланди:

— Доктор жаноблари, илтимос, яна бир оз кутсангиз. Ҳадемай суд-тиббий эксперт билан "тез ёрдам" машинаси келиб қолади.

У докторнинг розилигини кутиб ўтирмасдан яшил "девор"ни айланиб ўтиб, Стайнларнинг уйи қўнғироғи тугмасини босди. Бирор дақиқалар ўтиб эшик очилди, остонада новча, озғин, хушрўй, қарашлари қатъий йигитча пайдо бўлди.

— Сиз Давид Стайнмисиз? — сўради лейтенант. — Мен лейтенант Маркус бўламан. Кирсам бўладими?

— Марҳамат. Сизни кутаётган эдим.

Давид Стайн отасининг ўлими туфайли ҳаяжонланаётган бўлса ҳам, бу юзу кўзидан билинмасди. У Маркусни кенг-мўл меҳмонхонага бошлаб кириб, ўтиришга таклиф қилиб, кейин ўзи ҳам стулга омонатгина ўтирди. Унинг полициячига қадалган кўзида фақатгина одоб доирасидаги қизиқиш зоҳир эди, холос.

— Онангиз кўринмайдилар? — сўради Маркус.

— Яқиндагина ётгани ётоқларига кириб кетувдилар. Уйқу дори ичган эдилар, тинчланиш учун. Иложи бўлса, у кишини безовта қилмасак, яхши бўларди.

— Яхши, ўйлайманки, у кишисиз ҳам гаплашиб олсак бўлар. Ўтлоқда нималар бўлганини мистер Блай айтиб бердилар. Шундай эсада, сиз ҳам кўрган-билганларингизни айтиб берсангиз, яхши бўларди.

— Тушундим. Мен ўша пайт уй олдида тургандим. Отамнинг йиқилаётганини тасодифан кўриб қолдим. Кўрдиму унга қараб югурдим. Мистер Блай ҳам ўз еридан шу томонга чопди. Етиб борганимда мистер Блай унинг устида энгашиб турарди. Тўғриси, довдираб қолганимдан нима қилишни билмасдим. Пича вақт мистер Блайнинг орқасида саросима аралаш турдим. Кейин ўт ўргичнинг мотори ҳалиям ишлаётганини пайқаб қолдим.

— Симни свечадан узиб ўчирдингизми? — аниқлаш учун сўради Маркус.

**Б. ТОШЕВ таржимаси.**

(Боши ўтган сонда).

(Давоми бор).

# Қонунларни шарҳлаш йўлида



**XX аср вабоси деб номланган наркоманияни, афсуски, инсоният XXI асрга ҳам ўзи билан бирга олиб келди. Бу муаммодаги энг даҳшатлиси, гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилувчиларнинг "ёшариб" бораётганидир. Катталар ҳаётини орзу қилувчи, тезроқ бу "сирли олам"га етишга интилувчи йигит ва қизлар "дўсти" қўлидан олинган "дори" тўлатилган шприц ёки "оғу" жойлаштирилган сигаретни истеъмол қилиш, чекиш орқали гўё катта бўлиб қолгандек бўладилар. Бироқ бир неча "тортим" билан жар қаърига қадам қўйганларини унутадилар.**



Ёшларни гиёҳвандликдан асраб қолиш, бу муаммонинг даҳшатларини улар онгига етказиш умумнинг вазифасидир. Пойтахт – ИИББ Тергов бошқармасининг гиёҳвандлик моддаларини ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш бўлими ходимлари ва Миробод туманидаги 158-мактабнинг педагогик жамоаси ўз олдиларига ана шундай мақсадни қўйдилар. Ва юқори синф ўқувчилари учун гиёҳвандлик мавзусида очиқ дарс ўтказишга аҳд қилдилар.

Мавзу ўқувчиларда ўта қизиқиш туғдирди. Учрашув давомида "яшил оғу" билан савдо қилувчиларнинг ўз сафларига янги "харидор"ларни жалб қилиш учун қўллайдиган турли усулларини билиб олдилар. "Ҳотамтой" сотувчи ўзининг янги қурбонини гиёҳвандлик моддаси билан текинга сийлар экан, ана шундай сийловлардан кейин керакли миқдордаги наркотик моддани сотиб олиш учун унинг ўзи "ҳомий"сини қидириб келишини яхши билади. Айрим ҳолларда эса уларни гиёҳвандлик моддаларини сотиш, янги "мижоз"лар топиш орқали қарзини тўлашга мажбур қилади. Юқори синф ўқувчиларини, айниқса, гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятларга нисбатан жиноий жавобгарлик билан танишуви муҳим бўлди. Биз ҳаракатларимизда ҳеч қандай жиноят аломатлари йўқ, деган хаёлда қонун бузилишларига йўл қўямиз. Масалан, дўстимиз сигарет билан меҳмон қилса бунинг учун пул олмайди-ку? Текширилганда эса бу наркотик моддаларни ташиш, у билан таъминлаш ҳисобланиб, қонун бўйича бу турдаги жиноятлар учун ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш кўзда тутилган.

Бўлим бошлиғи, милиция майори Д. Нурмуҳамедов ва терговчи, милиция майори А. Соловьёвларнинг чиқишларида одоб-аҳлоқ кўринишидаги масалаларга алоҳида эътибор берилди. Ахир наркотик моддаларга ружу қўйиш муаммолари келажакка зарба эмасми? Ақлдан оздирувчи оғуни татиб кўрган одам ўз қилмиши учун жавоб бера олмайди: бирлари "ломка"дан қутулиш учун жиноятга қўл урадилар, иккинчилари уйидаги қимматбаҳо буюмларни олиб чиқиб сотади.

Мактаб директори Т. Грибанова шарҳлаган видеотасмалар ўқувчиларни тажрибали гиёҳвандларнинг жисмоний аҳволи ҳақида мулоҳаза қилишга ундади. Улар организмидаги иммунитет – касалликларга қаршилик қилиш хусусияти камайиб кетади, турли юқумли касалликлар, шу жумладан ОИТС касалига йўлиқиш эҳтимоли кучаяди. Гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш бўлажак фарзандларига ҳам таъсир қилмай қолмайди.

Яқин йилларда бугунги ўқувчилар мустақил ҳаётга қадам қўядилар. Қайси соҳада ишлаш ёки ўқиш масаласи оилада, фақат боқувчи, ҳимоячигина бўлмай, фарзандлар учун биринчи навбатда ўрнак бўлувчи ота-оналар билан бамаслаҳат ҳал қилинади. Сиз билан биз эса эндиликда фарзандларимизга қайси хусусиятимиз билан ўрнак бўла олишимизни чуқур ўйлаб кўришимиз керак.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Бирлашган таҳририяти кўтарилган муаммонинг долзарблигини ҳис қилган ҳолда ўқув юртларида ҳуқуқий йўналишда турли мавзулардаги учрашувларни ташкил қилишда кўмаклашишга тайёр эканлигини билдиради.

**Ўз мухбиримиз.**

**Суратлар муаллифи А. МИРЗАМУҲАМЕДОВ.**

## Марат Мирсаидович МАҲМУДОВ



Ички хизмат полковниги Марат Мирсаидович Маҳмудов 58 ёшида вафот этди. У 1943 йилда Тошкент шаҳрида туғилди.

Ички ишлар идораларидаги фаолиятини 1965 йилда Тошкент вилояти ИИБ жамоат тартибини сақлаш бўлими инспектори вазифасидан бошлади. Кейинроқ шу ИИБда тезкор вакил, катта инспектор, бўлим бошлиғи лавозимларида ишлади. 1977-1982 йилларда у Тошкент вилояти ИИБ Ахборот марказига, сўнг то жорий йилнинг март ойигача республика ИИВ Ахборот марказига раҳбарлик қилди. 1983 йилда ИИВ Тошкент олий мактабини тугаллади.

М. М. Маҳмудов ички ишлар идоралари тизимида ахборот хизматини такомиллаштириш борасида кўп ишлар қилди. Унинг фаол иштирокида ахборот хизмати замонавий компьютер техникаси билан қайта жиҳозланди, ахборотларни ишлаш, сақлаш ва улардан фойдаланишнинг илғор технологиялари жорий этилди.

У ўз касбининг устаси, катта тажрибали, янгиликка интилувчан, ёш ходимларга ғамхўр раҳбар, самимияти, хизмат вазифасига садоқати билан қўл остидагиларга намуна эди.

Марат Мирсаидович Маҳмудовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда абадий сақланади.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ,**
**Қорақалпоғистон республикаси ИИВ,**
**вилоятлар ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби.**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖТСБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ходими, милиция катта лейтенанти Б. Отабековга отаси

**Рустам ОТАБЕКОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тиббиёт бошқармаси раҳбарияти ва таркибий бўлинмалари жамоалари ИИВ марказий шифохонаси бошлиғи ички хизмат подполковниги Х. Усмоновга турмуш ўртоғи

**Гулчехра УСМОНОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ бўлинма сардорининг ўринбосари, милиция катта лейтенанти М. Сапарбоевга онаси

**Турғиной САПАРБОЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

# Кучлилар сараланди

Шу йил 17 май куни республика Ички ишлар вазирлиги тизимидаги республика қўл жанги мусобақаси Хоразмда ўтказилади. Унда барча вилоятлар ички ишлар бошқармаларидан етакчи спортчилар иштирок этадилар.

Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти ушбу тадбирга спортчиларни танлаб олиш учун яқинда Урганчдаги "Динамо" спорт мажмуида беллашув ташкил этди. Баҳсларда вилоятдаги шаҳар ва туман ички ишлар бўлимлари, шунингдек, Ички қўшинлар спортчилари қатнашишди.

Қизғин ва муросасиз ўтган жангларда 65 килограммлик вазнда Руслан Йўлдошев (вилоят ИИБ), 70 килограммлик вазнда Юсуфбек Сафоев (вилоят ИИБ), 75 килограммлик вазнда Олим Абдуқодиров (Ички қўшинлар), 80 килограммлик вазнда Хушнуд Мадраҳимов (вилоят ИИБ), 85 килограммлик вазнда Озод Дивонов (вилоят ИИБ), ундан юқори вазнда Мақсуд Қодиров (вилоят ИИБ)лар ғолиб чиқиб, республика мусобақасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

**Х. ЖАББОРОВ.**

AFC World Cup Qualifying

KOREA JAPAN

2002 FIFA WORLD CUP

### ЖЧ-2002 саралаш баҳслари 1-даврадан кейинги вазият

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. Ўзбекистон | 3 | 2 | 1 | 0 | 10-2 | 7 |
| 2. Туркманистон | 3 | 2 | 0 | 1 | 7-1 | 6 |
| 3. Иордания | 3 | 1 | 1 | 1 | 4-4 | 4 |
| 4. Хитой Тайпейи | 3 | 0 | 0 | 3 | 0-14 | 0 |

### Тўпурарлар

**Жаъфар Ирисметов (Ўзбекистон) – 4**
Каха Гоголадзе (Туркманистон) – 2
**Владимир Маминов (Ўзбекистон) – 2 (1)**
Жумадурди Мередов (Туркманистон) – 2

### ЖЧ-2002.

**Саралаш турнири.**
**Осиё. 7-гуруҳ. 2-давра**
**Амман.**
**"Қирол Абдуллоҳ"**

**4-тур. 3 май (пайшанба).**
Иордания – Хитой Тайпейи
**Ўзбекистон** – Туркманистон

**5-тур. 5 май (шанба)**
Хитой Тайпейи – **Ўзбекистон**
Иордания – Туркманистон

**6-тур. 7 май (душанба)**
Хитой Тайпейи – Туркманистон
Иордания – **Ўзбекистон**.

**Ҳозирча иккинчи босқичга Эрон, Саудия Арабистони, Баҳрайн, Қатар ва Ироқ терма жамоалари чиқишган.**
**Жамоалар иккинчи босқичда икки гуруҳга 5тадан бўлинишади ва ҳар икки гуруҳда биринчи ўринни эгаллаган жамоалар 2002 йилги жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритишади.**
**Иккинчи ўринни эгаллаган икки жамоа эса ўзаро беллашгач, ғолиб жамоа Европанинг худди шундай ҳолатдаги жамоаси билан яна бир йўлланма учун баҳслашадилар.**

**Газетамизнинг навбатдаги сони 9 май чоршанба куни чиқади.**


**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI**

**MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1**

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

**Bosh muharrir**
**Zokir ATAYEV**

**Erkin SATTOROV**
(Bosh muharrir o'rinbosari v. b.)

Mas'ul kotib
**B. AZIMOV**
Navbatchi:
**S. SHAMSIDDINOV**
Musahhihlar:
**M. AKRAMOVA**
**G. XOLIQOVA**

Sahifalovchi va dizayner:
**A. MIRZAMUHAMEDOV**

**TELEFONLAR:**
Bosh muharrir o'rinbosari — .... 139-77-23.
Mas'ul kotib ...... 139-73-88.
muxbirlar bo'limi ............ 139-75-69.
Faks ................ 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari bo'yicha murojaat uchun
faks: .................... 54-37-91,
peyjer: ... (088) 36-97, 55-19.

**E-mail:**
**urmvd@globalnet.uz**

**Bizning hisob raqamlarimiz O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki Toshkent shahar Bosh boshqarmasi hisob-kitob — kassa markazida: 21596000200447980001, MFO 00014.**

**ABN AMRO Bank HB O'zbekiston A.O. 20210000300447980002 MFO 00831, i/r 5033853 INN 200637499**

- *Ko'chirib bosishda «Postda»dan ekanligini ko'rsatish shart*
- *Maqolada keltirilgan raqamlar, faktlar va boshqa ma'lumotlar uchun muallif javobgar hisoblanadi.*
- *Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.*
- *Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.*

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot qo'mitasida **00007** raqam bilan ro'yxatga olingan
Buyurtma **Г — 2422.**
Hajmi — 4 bosma taboq.
Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish vaqti — ............... 19.00.
Bosishga topshirildi — ........ 19.00.

Obuna raqami — **180**

**78 352** nusxada chop etildi.

**«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.**

Korxona manzili:
**Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.**

1, 2, 3, 4, 5, 6.